VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

20 (29) 2009 йил 20 май, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz

Тошкентнинг маҳалла ва мавзелари

Бу йил қадимий ва ҳамиша навқирон, кундан-кунга кўркамлашиб, чирой очиб бораётган, кўчалари обод, гулларга бурканган азим Тошкентимиз ўзининг 2200 ёшини нишонлайди.

➔ 5-бет



Луи Фашон: «Ўзбек халқи ўз мамлакатининг тараққиёти учун интилиши мени ҳайратга солди»

Яқинда Ўзбекистонда Жаҳон Сув кенгашининг Президенти жаноб Луи Фашон меҳмон бўлди. Мамлакатимизга ташрифи чоғида «Жаҳон» АА мухбири у билан суҳбатда бўлди. Қуйида ушбу суҳбат матни эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

➔ 7-бет

Ўзбек нони

Чиқаётган қуёшнинг заррин нурларини бу ерда Нурота тизма тоғларининг энг юксак чўққиси Ойқор қаршилаб олади. Офтобга чўмилган қорлар ялтираб кўзларни қамаштиради. Бу қорлар баҳорда эриб, дарёга қўшилади.

➔ 8-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

МИЛЛИЙ ҒУРУР 2-бет
Ғурурнинг-ку чегараси йўқ, андишанинг-чи?
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
Президент китоби ўрганилмоқда
ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 4-бет
Муҳокамада қонун лойиҳалари
Дастурий мақсадларимиз
МАЪНАВИЯТ 5-бет
Миллий ўзликни қадрлаш маскани
"Талабалар баҳори — 2009"
ИҚТИСОДИЁТ 6-бет
Иккита қўшма корхона
Қишлоқда пластик карточка
Фермер хўжалиги
ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН 7-бет
Инсоният тарихидаги буюк кашфиётлар
Дунёдан дараклар
МАДАНИЯТ 8-бет
Дурдона
Турфа олам

Истиқлолимизнинг янги авлоди

ФОРУМ

Баркамол ёшлар – обод Ватан келажаги

Касби туманида ўтган ушбу анъанавий форум ёшлик айёмига айланди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси ва партия ҳудудий кенгашлари томонидан "Баркамол авлод-обод Ватан келажаги"шиори остида ўтказилаётган минтақавий форум ёшларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий билимларини бойитиш, уларни касбга йўналтириш, турли салбий оқимлар таъсирига тушиб қолишдан асраш ва улар орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилмоқда.

Туйғун ДЎСТҚОБИЛОВ,
ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари

Анъана тусини олган ушбу форум яқинда партия Қашқадарё вилоят ва Касби туман кенгашлари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Касби туман ҳокимлиги ҳамкорлигида туман Болалар спорти мажмуасида бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси, туман кенгашлари аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар, вилоятнинг турли ҳудудларидан келган партия фаол ёшлари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази ходимлари, туман МФЙ, "Камолот" ЁИҲ етакчилари иштирок этдилар.

(Давоми 3-бетда)

НУҚТАИ НАЗАР

Марказий Осиё:

Тинчлик, тараққиёт ва барқарорлик

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон ташаббуслари халқаро миқёсда ва мамлакатимизда тўла қўллаб-қувватланмоқда

Ахтам ТУРСУНОВ,
ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раиси

Ён қўшнимиз Афғонистонда содир бўлаётган кейинги воқеалар мамлакатимизда ҳеч кимни бефарқ қолдираётгани йўқ. 30 йилдан буён давом этиб келаётган уруш жафокаш афғон халқини тинкасини қуритгани ҳам рост. Вайроналар остида қўмилиб ётган, иқтисод бутунлай издан чиққан, сиёсий, ижтимоий муаммолар кескинлашиб кетган Афғонистон аслида учинчи давлатларнинг геосиёсий ўйинлари қурбони бўлганлигини бугун дунё аҳли яхши билади. Хўш, охири кўринмаётган афғон можаросини қандай ва нима ҳисобига ҳал қилиш мумкин? Афғонистонда кескин вазиятнинг сақланиб қолишидан кимлар ва нима учун манфаатдор? Ёки бу давлатда мустаҳкам ва барқарор тинчлик ўрнатилишидан манфаатдор мамлакатлар қандай мақсадларни кўзлашмоқда?

Бундай мураккаб саволлар Ўзбекистон раҳбариятини доимо ўйлантириб келаётганлиги ва бу борада Президентимиз бир қатор амалий таклиф ва ташаббусларни илгари сураётганлигига гувоҳмиз. Воқеалар силсиласига тадрижий нуқтаи назардан разм соладиган бўлсак, халқаро терроризм ва диний экстремизм эндигина учқунлай бошлаган ўтган аср 90-йиллари бошида, яъни 1993 йилдаёқ давлатимиз раҳбари Ислом Каримов энг юксак халқаро минбар – БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида жаҳон жамоатчилиги эътиборини Афғонистон муаммосига қаратиб, бир қатор амалий таклифларни илгари сурган эди. Шуни аввал бошданоқ алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, мамлакатимиз халқаро миқёсда олиб борилаётган аксилтеррор ҳаракатларни қўллаган ҳолда – Ўзбекистон ҳамиша ҳамда ҳамма вақт Афғонистон муаммосини тинч, сиёсий йўл билан ҳал қилиш тарафдори бўлиб келди.

(Давоми 4-бетда)

ЎЗБЕКНИНГ ҒУРУРИ ТОҒЛАРДАН БАЛАНД

Ғурурнинг-ку чегараси йўқ, андишанинг-чи?

Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти "Конституциявий ҳуқуқ" кафедраси мудири, профессор

Мустақиллик йўлига кирган, ўз тақдирини ўзи ҳал этиш масъулиятини зиммасига олган давлат, агар унинг бу нияти фақат қоғоздагина қоладиган расмиятчилик эмас, чинакам азму қарор бўлса, ушбу бебаҳо қадриятни ҳар нарсадан кечиб асрайди, авайлайди. Зеро, ўзини ҳурмат қилишга ўрганган ва бошқалар ҳам ҳурмат қилишини истаган миллат учун мустақиллик тақдири чин маънодаги ҳаёт-мамот масаласидир. Бу тушунча ўз мағзида фақат сиёсий, иқтисодий, ҳудудий ҳуқуқларга тўла эгаликнигина эмас, балки, биринчи навбатда, миллий ўзликни англаш ва асраш, миллий ғурурни собит сақлаш, миллий ҳамиятни ҳимоя қила олишдек маънавий қадриятларни ҳам мужассам этади. Шундай экан, миллий ғурурга қилинган ҳар қандай таҳдидни мустақилликка қарши амалга оширилган тажовуз сифатида тушуниш ва унга қарши курашиш миллатнинг ҳар бир вакили учун муқаддас инсоний бурч ҳисобланади.

ЗЎР КАРВОН ЙЎЛИДА

Хоҳлаймизми-йўқми, бир аччиқ ҳақиқатдан келиб чиқиб дунё ишларига боқишга, шу ҳақиқатни бир зум бўлсин унутмай, мана шу дунёда яшашга мажбурмиз. Бу ҳақиқат шундан иборатки, ўзини ҳар қанча дўст қилиб кўрсатишга уринмасин, ўзаро стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги аҳду паймонларга жимжимадор имзолар чекмасин, бирорта давлат, айниқса, Ер юзи бойликларига кўпроқ эгалик қилишни, бошқа халқларнинг ўзи билан доимий ҳисоблашишини истовчи йирик давлатлар, имкони туғилди дегунча, кечаги шеригининг кўзига чўп тиқишдан ҳам тоймайди. Бошқача қилиб айтганда, бирорта давлат Сизу бизга бир бурда нонни еб кетарга ёхуд қуруқ раҳматга бермайди. Ўша бир бурда нон эвазига суверен давлатларни ўзиники қилиб олишга уриниш, ўзининг қош-қовоғига қараб иш тутишга мажбурлаш ҳозирга қадар амалда бўлган, бундан кейин ҳам бўлаверади. Айни йўлда ўйлаб топилаётган усул-услубларнинг ранг-баранглиги эса кишининг ақлини шоширади. Айниқса, ҳозир – кескин индустриал ривожланиш йўлидан кетаётган дунёда айрим муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ер ости ва ер усти бойликларининг таги кўриниб қолаётган, глобаллашув жараёни беқиёс тезликда кечаётган замонда.

Ўзбекистон аталмиш ҳам ўтмиши, ҳам келажаги буюк мамлакатни, унинг халқини ўз етовига солишга бўлган уринишлар бир зум бўлсин тўхтамаётгани, ҳали Шарқ, ҳали Ғарб, ҳали Шимол томондан мана шундай хуружлар шамолининг мунтазам эсиб туриши Сизу бизнинг кўзимизни каттароқ очмоқни, бу ҳаракатлар мақсадмоҳиятини ўз вақтида англамоқни ҳамда шундан келиб чиқиб ҳаракат қилмоқни ҳар қачонгидан кўпроқ талаб этяпти. Айниқса, халқимиз шаънига айтилаётган бўҳтон гаплар, уйдирма хабар ва шов-шувлар оқимини кўриб кўрмасликка олиш, бояги кучларга менсимай қараш уларнинг янада ғовлашига, бунинг натижасида эса бошқа мамлакатлардаги содда оммани юртимиз тўғрисидаги тасаввурлари нотўғри шаклланишига олиб келиши мумкин. Хусусан, Россияда чиқадиган расмий ва норасмий ОАВларининг айримлари томонидан тарқатилаётган хабар, мақола, кўрсатув ва радиоэшиттиришлардаги оҳанг кишини камида энсасини қотиради.

Бу материалларни фалон масалаларни ўрганиш бўйича фалон аналитик марказнинг фалон даражадаги таҳлилчилари томонидан илгари сурилиши гўё уларга ҳаққонийлик, илмийлик бағишлайдигандай. Бироқ бу валломатларнинг айтаётган гапи, муносабатидаги позициясини кўриб, "эсизгина шунча китоб, шунча газит" деб юборганингизни билмай қоласиз. Аввало, бу "аналитик"лар ўз диёри чегараларини Москва ва Санкт-Петербург билангина тугайди, деб ўйласалар керакки, фикр юритиш тарзида ҳам бу чегара мана-ман деб ошкор бўлиб туради. Яъни улар бу "бепоён мамлакат"нинг марказий шаҳарларидан сал четроқдаги аҳволни ҳам, ўн минглаб қишлоқлардаги вайронгарчиликларни ҳам ёддан чиқармай мулоҳаза юритганларида ҳам, балки Ўзбекистон тўғрисида гапиришга уларда маънавий ҳуқуқ пайдо бўлармиди? Кишини ҳайрон қолдирадиган яна бир нарса шундан иборатки, улар ўз юртларини аллақачон дунёнинг тараққий этган мамлакатлари қаторига қўшиб олганлар ва мана шу "баландлик"дан туриб бошқа давлатларга бургутназар қиладилар (аслида бу баландлик ишхоналари жойлашган қаватнинг баландлигидан ўзга нарса эмас!).

Албатта, Россиянинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий қудратини дунёда ҳеч бир давлат инкор этмайди. Мамлакат ҳудудининг катталиги, ер ости ва ер усти бойликларининг ниҳоятда кўплиги, шўро даврида стратегик тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган аксарият йирик саноат корхоналарининг шу давлат ҳудудига жойлаштирилгани унинг имкониятларини кенгайтириши ҳам бор гап.

(Давоми 2-3-бетларда)

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

МИЛЛИЙ ҒУРУР

ЎЗБЕКНИНГ ҒУРУРИ ТОҒЛАРДАН БАЛАНД

Ғурурнинг-ку чегараси йўқ, андишанинг-чи?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Лекин шунча имконият, табиий бойликларга эга бўлган Россия ва у сингари айрим давлатларни бугунги кунда жаҳонда юз бераётган молиявий-иқтисодий кризиснинг ўзиёқ жуда қийин аҳволга солиб қўяётгани ҳам кўриниб турган ҳақиқат. Ҳолбуки, кейинги беш-олти йил давомида бу давлатлар нефть, газ ва бошқа табиий бойликлар экспорти эвазига аллақанча маблағ жамғарган, келгуси авлодларнинг ҳам ризқи бўлмиш табиий бойликлар сарфидан топилган бу маблағларни келажак учун асрашни мўлжаллаб туришганди. Бироқ, бугун маълум бўляптики, бу кризисдан қутилиш жараёни бояги сармоянинг анча-мунча қисмини совуриб кетар экан.

Бу ҳолат табиий бойликлари ҳар қанча сероб, мўл-кўл бўлмасин, агар улардан оқилона фойдаланилмаса, мамлакат иқтисодиёти дунё бозорида харидоргир тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга йўналтирилмаса, бирорта давлат ўзини жиддий бўҳронлардан иҳота этолмаслигини яна бир бор исботламоқда. Ўзбекча қилиб айтадиган бўлсак, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кимнинг ким эканини – қайси давлат нима ёки ким ҳисобига, қандай яшаётганини, қандай бошқарилаётганини ошкор қилди-қўйди.

Қолаверса, нимагадир бояги "ақли уммон" аналитиклар Марказий Осиёнинг барча давлатларини сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий жиҳатдан бир хил ҳолатда деб тасаввур қиладилар ва барча мулоҳазалари мана шу қиғир асосга қурилаверади. Ҳолбуки, Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллари юқорида саналган соҳаларда эришган муваффақиятларини кўнглида озгина холислик бўлган барча хорижликлар тан олмоқда, ибрат намунаси сифатида эътироф этмоқда. Бу эътироф эса йўқ жойдан пайдо бўлмаяпти. Зеро, бутун иқтисодиёти, кундалик тирикчилиги, бошқа халқларга тепароқдан қараш иштиёқи табиий бойликлар экспортига боғланиб қолган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон ўз сармоясини келажак авлодлар камолига бағишламоқда. Юртимизда йирик саноат ва қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлайдиган юзлаб замонавий корхоналар барпо этилаётгани, дунё бозорига олиб чиқадиган йўл-транспорт инфратузилмасининг тубдан қайта қурилаётгани, энг муҳими – фарзандларимизнинг замонга мос илм ва ҳунарга эга бўлишини таъминлайдиган ўн минглаб мактаб, лицей, коллежларнинг бунёд этилиши – Ўзбекистон ўзининг ҳам моддий, ҳам маънавий бойликларидан қанчалик оқилона фойдаланаётганини кўрсатмоқда.

У ёғи суриштириладиган бўлса, иқтисодиёт, ижтимоий ҳимоя, мудофаа, фан ва маданият, маориф, соғлиқни сақлаш, спорт, жумладан, болалар спорти соҳаларида Ўзбекистонда бир неча йил илгари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилган ислоҳотларнинг бизга қандай яшамоқни ўргатмоқчи бўлган диёрларда эндигина бошланаётганини, бўлиб ҳам худди бизнинг юртимиздаги моделлардан нусха олинаётганини ҳеч ким билмаса ҳам биз биламиз-ку. Қолаверса, Ўзбекистондан фарқли ўлароқ, бу ислоҳотлар ўша халқларнинг қанчалик кенг қатламини қамраб олишини, самарадорлигига қанчалик эришилишини ҳали вақт кўрсатади...

Албатта, ўзбеклар бу ёруғ дунёда ҳамманинг ҳам омадини берсин, барча юртлар ҳам гуллаб-яшнасин, ўзидан тинчисин, дейди. Унинг бу ниятларида заррача риё, юзакичилик бўлса, номи ўзбек бўлмас эди. Лекин нима учун Ўзбекистоннинг тинч, хавфсиз, хотиржам тараққий этиши кимларнингдир уйқусини қочириши керак? Нима учун бу улуғ карвон ортидан ҳуришга иштиёқманд кимсалар, онда-сонда бўлса-да, топилиб турибди? Нима учун ўзига эн бўлмаган бировга енг бўлишни даъво қилишдан тоймайди? Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги қўшни-қардош мустақил давлатлар билан тинчтотув яшаши нега кимларгадир малол келади?

Биласизки, илгари подшолар саройида махсус ушлаб туриладиган масхарабозлар (шутлар) бўлган. Уларнинг асосий вазифаси ўзларининг олди-қочди гаплари билан подшонинг кўнглини олиш, унинг кайфиятини кўтариш ҳисобланган. Ўша "жойил феодализм" замонида ҳам бу масхарабозлар овози саройдан ташқарига чиқмас, уларнинг алмойи-алжойи гапларини саройдагилардан бошқа одам эшитмас эди. Буни қарангки, ҳозирги сиёсатда ўша типдаги кимсаларга ҳам минбар тегиши, уларнинг миллионлар қаршисида ниҳоятда нозик ва мураккаб масалалар (миллатлараро ва динлараро муносабатлар, ҳарбий кучдан фойдаланиш, бошқа давлатларнинг ички муаммолари ва ҳ.) тўғрисида оғзига келган гапни бемалол айтиши урфга айланмоқда. Бу урфнинг демократия, инсон фикри эркинлиги аталмиш мўътабар қадриятларга мутлақо алоқаси бўлмай, аксинча, уларга айнан зид эканлигини жаҳон афкор оммаси бир овоздан таъкидлайди.

Айни масалада узоққа бормай, ғалати машҳур жаноб В.Жириновский чиқишларини мисол келтириш ўринлидир. (Дарвоқе, ватанининг ўзида бу кимсанинг расмий лақаби ҳам "шут" ҳисобланади.)

Маълумки, бу фигуранинг сиёсат саҳнасида юз кўрсатганига анча йиллар бўлди. Аввалига унинг телба-тескари гапларини эшитган жаҳон аҳли бунақа кимсанинг сиёсатчи сифатидаги карьераси узоққа бормаслигини, ўзини ҳурмат қилган ҳеч бир давлат бундай шарлатанга узоқ тоқат қилолмаслигини тахмин этган эди. Буни қарангки, маданий дунё халқларининг бу содда умидлари ҳам бир бўлди-ю, В.Жириновскийнинг ҳали ҳанузгача сиёсий масхарабозлик ролида толиқмай жавлон ураётгани факти ҳам бир бўлди.

Демак... демак, унинг боягидай чиқишлари, кутилмаган даъволарни бемалол эълон этиши кимларгадир керак экан-да. Кимлардир ўзининг кўнглида турган, бироқ расмий минбарларда айтиши мумкин бўлмаган ниятларини шу тарика билдириб қўйишдан, омманинг қарашларини мана шу йўсинда бошқаришдан манфаатдор экан-да. Бу ҳам "катта сиёсат"нинг бир муҳим элементини ташкил этаркан-да.

Жаноб В.Жириновский учун бир бутун халқлар, миллатлар тақдири ҳатто писта пўчоғичалик қимматга эга эмас. Унинг бошқа мамлакатлар, халқлар тўғрисидаги "машҳур" қарашларини эслашнинг ҳозир мавриди эмасдир. Бироқ, бу кимсанинг Ўзбекистон, ўзбек халқи шаънига айтаётган гаплари Сиз билан бизнинг ҳамиятимизни қўзғамасдан иложи йўқ. Бу жиҳатдан В.Жириновскийнинг, масалан, бундан бир неча йил илгари "Эхо Москвы" радиоси мухбири А.Плющевга берган интервьюси характерлидир. Таржима муносабати билан турли талқинлар юзага келишининг олдини олиш мақсадида мазкур интервьюнинг айрим жойларини аслича келтирамизки, катта бир давлатнинг сиёсий партияси етакчиси гапларидаги бориб турган масъулиятсизлик, ёвузликни, ўйлаймизки, ўзингиз яхши ҳис қилиб оласиз:

"А.Плющев: Интересно насчет этого. Не могли бы Вы сказать, кому выгодно затягивание операции? Возможно прекращение операции в Чечне?

В.Жириновский: Это выгодно всем. Это этап третьей мировой войны... Потому что следующая война начнется в Средней Азии. Нужно подготовить общественное мнение, что на юге постоянно война: отступают, наступают, зачищают. Но наиболее кровавая война будет в Средней Азии. Там миллионы погибнут, миллионы. Там, возможно, придется применять уже тактическое ядерное оружие, потому что там такое количество будет войск, что обычным стрелковым оружием не обойтись. Т.е. это этапы третьей мировой войны.

А.Плющев: Средняя Азия... прежде всего Вы имеете в виду Афганистан, Таджикистан?

В.Жириновский: Афганистан, Таджикистан, и будет захвачена часть территории Киргизии и Узбекистан. В основном все пойдут против Узбекистана. Ташкент будет гореть. Это будет страшно, но город будет уничтожен полностью, и миллионы людей погибнут в среднеазиатском котле. Поэтому Кавказ это цветочки. Ягодки будут в Средней Азии... А пока будем на Кавказе зачищать..."

(Худонинг қудратини қарангки, бу сафар ҳам бошқага ёмонлик тилаганнинг ўз бошига бало-ю кулфат ёғилди. Мана шунақа суҳбатлардан ҳеч қанча вақт ўтмай, Россиянинг турли ҳудудларида террористик гуруҳлар томонидан даҳшатли ҳодисалар содир этилди.)

Ҳозирги замон тўғрисида шу тариқа фикрлайдиган бу валломатдаги тарихий билимнинг ғовлаб кетганичи. Унинг қарашича, "В 30-х годах мы басмачей ведь не уничтожили, мы их отпустили в Афганистан. Вот внуки басмачей сейчас вернулись – талибы".

Аввало, бу оғзига кучи етмаган ҳалигача "басмач" деб тилга олаётгани фидойилар, аслида чинакам босқинчи – қизил армия террорига қарши курашларда жон фидо қилган миллий озодлик ҳаракати қаҳрамонлари эканини халқимиз яхши билади. Қолаверса, шўро ҳукумати (Жириновский ўзини бу империалистик ҳукуматнинг вориси эканини яширмаётганига ҳам эътибор беринг!) уларни ҳар томонлама исканжага олиб, азиз умрларини шафқатсизларча хазон қилгани ҳам тарихнинг аччиқ ҳақиқатидир. Бу ҳодисаларни бир-бирига боғлаш, машҳур ўзбек адиби ибораси билан айтганда, "ой тутилиши билан чорвоқдаги қизилчанинг қизаришини бир-бирига боғлаш"дек соғлом ақлга тўғри келмайдиган ишдир. Полковник В.Жириновский (мана шу "юксак унвони" билан мақтанишни ҳам у жуда хуш кўради!) бундан кўра, барча хунрезликлар 1979 йилнинг машъум декабрь кечасида мустақил ва тинч ҳаёт кечираётган Афғонистон давлатига сурбетларча бостириб кирилиши, бу юртда давлат тўнтаришининг амалга оширилиши билан бошланганини, бу ишнинг бошида яна ўша – "мы"лар турганини эсга олиб қўйса, ёмон бўлмас эди. У тилга олган Афғонистондаги ҳаракатни эса ким, қачон, кимга қарши ва қайси йўсинда вужудга келтирганини бутун дунё аллақачон англаб етган.

Кишини ўйга толдирадиган яна бир ҳолатни эсламай иложимиз йўқ. В.Жириновскийдан бир неча маротаба "Нима учун ОАВлари нуқул сизни чиқаришаверади?" деб сўраганларида, у камтарликни йиғиштириб қўйиб, "Чунки халқ шуни хоҳлайди. Халқ мени эшитади, бошқа вайсақиларни эмас!" деб жавоб бермоқда. Унинг мақтанчоқлиги ўз йўлига-ку, лекин бу ҳолат бизни бошқа мулоҳазаларга йўналтиради. Дарвоқе, ҳақиқатан ҳам, нисбатан холис, объектив фикрлайдиган сиёсатчилар, экспертлар, журналистлар етарли бўлгани ҳолда, нима учун телеэкранларда, газета саҳифалари-ю, радио тўлқинларида нуқул шу кимсанинг овози тинимсиз янграйверади? Унинг боягидай гаплари, чақириқлари, башоратларини қайта-қайта оммалаштираверишдан кўзланган асосий мақсад нима? Халқнинг, жамиятнинг дунёқараши, кайфияти мана шунақа йўсинда шаклланиши (тўғрироғи – шакллантирилиши, бошқарилиши!)дан кимлар манфаатдор? Миллионлаб россияликлар ичига шу тарзда миллатчилик, шовинизм уруғини бемалол сочиб юришга изн берилиши кимларнинг иши? Бу сочилган уруғлардан қандай ҳосил олинмоқчи?.. Назаримизда, бу саволлар нафақат Сиз билан бизни, балки дунё ҳамжамиятини ҳам жиддий ўйга толдирмоғи даркор.

Афсуски, юқоридаги сингари хуружлар сони кейинги пайтларда борган сари кўпайса кўпайяптики, асло озаймаяпти. Жумладан, яқинда Россияда чоп этиладиган "РБК" ойлик журналида "Россияга тортиш" номли мақола чиққан. Ичи шовинистик қарашларга тўла бўлган бу мақолага бир харита ҳам илова қилинган. Ушбу харита муаллифлари ўзларича собиқ шўро давлатига кирган, бугунги кунда эса мустақил ҳаёт кечираётган республикаларнинг "империя таркибига қайта қўшиб олинишининг тахминий муддатлари"ни белгилайдилар. Унга мувофиқ, Қирғизистон ва Тожикистонни сал олдинроқ, Ўзбекистонни эса 2009-2011 йилларда шундай "тақдир" кутмоқда гўё...

Марказий Осиё минтақаси давлатлари тўғрисидаги юқорида эслатилган ва яна бошқа ўнлаб ўйлаб топилган васвасалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг шу йилги "Хотира ва қадрлаш куни"да эълон қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг кенгайтирилган таркибдаги учрашувида сўзлаган нутқида минтақа давлатларини кутаётган хавфнинг моҳиятини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Юртбошимиз ўз нутқида, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади:

"Минтақадаги бу жараёнларга таъсир кўрсатишга уринаётган айрим учинчи мамлакатлар қандай стратегик мақсадларни кўзлаётгани тобора аён бўлиб бормоқда.

Биз, ўз халқи олдида, тарих олдида масъул бўлган давлат раҳбарлари, аввало, бугун ушбу баҳс-мунозараларни авж олдирмасдан ва уларга сиёсий тус бермасдан, умумий ёндашув нуқталарини топишимиз даркор, деб ўйлайман. Акс ҳолда, мамлакатларимиз, халқларимиз манфаатлари бир четда қолиб, учинчи кучларнинг стратегик ҳамда геосиёсий манфаат ва мақсадлари, минтақани бошқариш билан боғлиқ масалалар олдинга чиқиб қолиши мумкин...

Агар биз мувозанатга эришолмасак ва ўзаро муросага келолмасак, бу муаммони ҳал эта олмаймиз ва унинг ечими узоқ йилларга чўзилиб кетади. Қолаверса, ким ўз мақсадига эриша олиши ҳам ҳали номаълум – биз, яъни ушбу минтақада яшаётган халқларми ёки пировард натижада, бошқаларнинг манфаатлари амалга ошадими? Бу борада "бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил" деган принцип – эскидан маълум бўлган савдо амалга ошгудек бўлса, биз кимларнингдир қўлида арзимас тангага айланиб қолишимиз мумкин.

Бунга йўл қўйишга эса бизнинг асло ҳаққимиз йўқ".

Ўзбекистон Президентининг "эскидан маълум бўлган савдо" ҳақидаги эслатмалари фақат рамзий маънода ишлатилган ибора бўлмай, балки, тўғридан-тўғри мазмунни ҳам ифода этади. Жумладан, Қирғизистон ҳукуматининг электр энергияси ишлаб чиқарувчи етакчи корхоналарга тегишли акцияларнинг давлат назоратидаги қисмини ҳам аукцион савдосига қўйиш ҳақидаги қарорини эшитибоқ, бояги учинчи куч вакиллари шошилинч пул санашга тушганлар. Акцияларнинг назорат пакетига эга бўлиб олган томоннинг кейинчалик бу имкониятдан нима мақсадда, қандай ва қанчалик фойдаланишини тасаввур этиш эса одамдан ортиқча фаросатни талаб қилмайди. Айниқса, бу акциялар энергетика соҳаси корхоналариники бўлса, айниқса, бу энергия қатор давлатлар ҳудудидан оқиб ўтадиган дарёлар сув ресурслари ёрдамида ҳосил қилинса...

Дарёлар сувидан оқилона фойдаланиш борасида Марказий Осиё давлатларини ўзаро муросага келишига ҳар томонлама тўсқинлик қилиш мақсадида учинчи куч қўллаётган усуллар ўзининг сурбетлиги, бетамизлиги билан ажралиб туради. Биз бу ўринда мазкур ҳаракатларнинг иқтисодий, молиявий, сиёсий йўналишларини таҳлил этиб баҳо беришни соҳа мутахассисларига қолдирамизда, биргина информацион майдондаги хуружлар борасида мулоҳаза юритамиз.

Агар халқаро Интернет саҳифаларида, айрим давлатлар ОАВларида шу масала юзасидан эълон этилаётган материалларга назар ташланса, уларга танланган сарлавҳаларнинг ўзиёқ ортида турган буюртмачиларнинг асл мақсад-муддаосини ошкор қилиб қўяди: "Россия имеет больше козырей в центрально-азиатской игре", "Капля воды в котле этнических противоречий", "Карта водной войны", "Большая игра в Центральной Азии только начинается", "Таджик и узбек поссорились под ногами у России", "ЦетрАзия разделилась на водообеспеченную двойку и жаждущую тройку", "Инвестиции в страны региона обеспечить России политическое влияние" ва ҳоказо.

Бу материалларнинг бирида минтақанинг у давлатига жон қуйдирилаётгандек йўл тутилса, иккинчисида бошқа давлатга "хайрихоҳлик" усули қўлланилади. Бунда бир мамлакатнинг манфаатлари гўё ҳимоя этилиши асосида унинг минг йиллик қўшниси бўлмиш бошқа бир давлат ва халқ лойга қорилаверади. Аслида, бунақа номард усулнинг номини ўзбек аллақачонлар жуда аниқ топиб қўйибди – сопини ўзидан чиқариш!

Энг хатарлиси – мана шунақа усул-услубларда иш кўраётган корчалонлар қардош халқлар ўртасига низо солиш мақсадида уларнинг бир-бири тўғрисида хаёлига ҳам келтирмайдиган ёлғон гапларни гўё реал кайфиятдек қилиб кўрсатишга уринаётганидир. Улар учун Сирдарё ва Амударё қирғоқларида яшовчи қарийб 50 миллион аҳолининг тақдири нима бўлиши эмас, балки, нима қилиб бўлмасин, мана шу аҳолини бир-бирига қайраб солиш нияти муҳимроқдир.

Энди, шунча бузғунчи ҳаракатлардан ҳам қониқмаётган бир "етакчи эксперт"нинг мана бу "армонга тўла" чақириқларига нима дейсиз: "Россия недостаточно использует ситуацию, которая может быстрее и эффективнее помочь ей занять определенную нишу. Кризис хорош тем, что лишает большинство игроков разных возможностей – инвестиционных, ресурсных, политических, экономических. Вот в России, пока вот этот потенциал имеется, исходя из накопленного опыта, знаний, экономических интересов".

Бу муаллиф назарда тутаётган "тўпланган тажриба"нинг, "билим"нинг номини эса Юртбошимиз Олмаотадаги нутқида аниқ ва лўнда қилиб ифодалаб берганини кўрдик – **"бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил"...**

МИЛЛАТЧИЛИК МИЛЛАТПАРВАРЛИК ЭМАС

Аслида, ижтимоий-ҳуқуқий адабиётларда бу икки тушунчага етарлича изоҳ берилганини, бу борада янгилик кашф этиш шарт эмаслигини яхши тушунамиз. Лекин тушуниш, англаш бошқа-ю, унга амал қилиш бошқа эканлигини ҳам теран англашимиз лозимлигини бугунги реаллик, афсуски, қайта-қайта тасдиқлаётгандек.

Жумладан, Россияга меҳнат қилиш учун борган бошқа миллат вакилларига нисбатан кўрсатилаётган муносабат МДҲ таркибига кирган аксарият мамлакатларда ҳақли эътирозлар туғдирмоқда.

Аввало, шуни айтиш керакки, бугунги дунёда бир давлат фуқаросининг бошқа мамлакатга бориб ишлаши, ўқиши, даволаниши, дам олиши табиий ва қонуний жараён ҳисобланади. Россиянинг ўзидан кетган миллионлаб фуқаролар ҳам дунёнинг турли ҳудудларида мана шундай кезиб юрганлиги кўриниб турган факт. Шундай экан, бу жараёнга вазминлик билан ёндашиш, мавжуд муаммоларни ўзаро келишган ҳолда қонуний ҳал этиш тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилмоқни ният қилган ҳар қандай давлатнинг бурчи ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистонда ҳам узоқ-яқин мамлакатлардан келган кўплаб хорижий фуқаролар эмин-эркин меҳнат қилмоқдалар, саёҳат қилмоқдалар, таълим олмоқдалар. Ҳозирга қадар уларнинг бирортасига миллати, мамлакати, ирқи ёхуд диний эътиқодига кўра олақараш қилинмаган, қилинмайди ҳам. Президентимиз сўзлари билан айтганда, ўзбеклар "ўз кучига ишонган халқнинг бағри кенг бўлишини" амалда исботламоқда.

Афсуски, айрим давлатлар, уларнинг ОАВлари учун мана шу табиий воқелик ҳам жамиятда миллатчилик, шовинистик кайфиятларни ўт олдиришга баҳона ролини ўйнамоқда. Бу ўринда биргина НТВ телеканали орқали намойиш этиладиган "К барьеру!" номли шоу-кўрсатувнинг айрим сонларини эслаш кифоядир. Ўтган бир-икки ой ичида мазкур кўрсатувга собиқ шўролар давлати таркибига кирган мамлакатлардан айримларининг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчилари таклиф этилди.

Фавқулодда ва мухтор элчи дегани суверен бир давлат манфаатлари, қарашлари, жорий ва стратегик сиёсатини ўзга давлат раҳбарияти олдида мужассам изҳор этувчи дипломатик миссия вакили деганидир. Шундай экан, унга кўрсатиладиган муносабат, сўроқ-савол ҳам шунга яраша бўлмоғи, элчи деганлари кўрсатув бошловчиси ва қаршисидаги оппонент учун кетма-кет даҳанаки ҳужум объектига айланмаслиги талаб этиларди.

(Давоми 3-бетда)

Албатта, ўзбеклар бу ёруғ дунёда ҳамманинг ҳам омадини берсин, барча юртлар ҳам гуллаб-яшнасин, ўзидан тинчисин, дейди. Унинг бу ниятларида заррача риё, юзакичилик бўлса, номи ўзбек бўлмас эди. Лекин нима учун Ўзбекистоннинг тинч, хавфсиз, хотиржам тараққий этиши кимларнингдир уйқусини қочириши керак? Нима учун бу улуғ карвон ортидан ҳуришга иштиёқманд кимсалар, онда-сонда бўлса-да, топилиб турибди?

Бироқ кейинги пайтларда Марказий Осиё халқлари ўртасида ўзаро низо чиқаришнинг бошқа усуллари кутилгандек самара бермаётганидан ташвишга тушаётган айрим учинчи кучлар бор диққатларини мана шу сувни лойқалатиш ва ундан лаққа балиқ тутиш мақсадига қаратмоқдалар. Лаққа балиқки, ҳам гўшт берсин, ҳам сут.

ЎЗБЕКНИНГ ҒУРУРИ ТОҒЛАРДАН БАЛАНД

Ғурурнинг-ку чегараси йўқ, андишанинг-чи?

(Давоми. Боши 1-2-бетларда)

Бироқ "К барьеру!"да кечган олишувлардан билдикки, бу кўрсатув номини бемалол "К стенке!" деб тушунса ҳам бўлаверар экан. Яъни бояги элчилар кўрсатув бошловчисининг ўзи кун тартибига қўйган ниҳоятда муҳим масалалар (жумладан, мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, давлат чегараларининг дахлсизлиги, икки фуқаролик, Россияда меҳнат қилаётган хорижлик ишчиларга мунософ маиший асосда жиноят содир этилгудек бўлса, бояги давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам, ОАВлари ҳам шундай аюҳаннос соладиларки, нарёғи йўқ. Аввал бошдан барча хабарларнинг сарлавҳаларига бу жиноят "Кавказ миллатларига", "Марказий Осиё миллатларига" мансуб шахслар томонидан содир этилгани тўғрисидаги "кашфиёт" олиб чиқилади. Бутун эътибор айнан шу масалага қаратилаверади, миллатга урғу берилаверади, одамларнинг диққати жалб этилиб, онгига таъсир кўрсатилаверади. Сўрайдиган одам йўқки, "ўв, оғайни, бу ҳуқуқбузарлик юртингда содир этилаётган жиноятларнинг неча фоизини ташкил этади ўзи? Унинг оғирлик даражаси, ўз юртдошларинг томонидан қилинаётган жиноятларга солиштирганда, қанчалик хавфли? Қачондан бери ҳуқуқшуносликда жиноятчининг қайси миллатга ёки мамлакатга мансуб эканлиги бош масала бўлиб қолди? Ким бўлмасин, агар ростдан-да жиноятчи экани исботланса, қилмишига яраша жазосини тўғри беравермайсанми? Нима қиласан, миллат номига осилиб?.."

Қачондан бери ҳуқуқшуносликда жиноятчининг қайси миллатга ёки мамлакатга мансуб эканлиги бош масала бўлиб қолди? Ким бўлмасин, агар ростдан-да жиноятчи экани исботланса, қилмишига яраша жазосини тўғри беравермайсанми? Нима қиласан, миллат номига осилиб?..

сабат ва б.)да ўз фикрини, қарашларини, ўзи вакил қилинган мамлакати позициясини ҳеч бўлмаса икки минут эмин-эркин, хотиржам ва тинч айта олмайди. Бунга турли усуллар билан тўғридан-тўғри тўсқинлик қилинади – гапи бўлинади, бошқа саволлар тиқиштирилади, чалғитилади, гўё ҳазиллашилади ва ҳеч имкони бўлмай қолса, танаффус эълон қилиб, баланд мусиқа қўйиб юборилаверади. Унга қарши даъво билан рингга кўтарилган оппонентга – ўз кишиси (масалан, В.Жириновский)га эса барча керакли имкониятлар яратиб берилади. Қарабсизки, кўрсатувни кўриб ўтирган миллионлаб одамлар фикри камида бир томонлама йўналиш олади, бир қисм томошабин бўлса, масала моҳиятига етмай гарангсиб қолаверади.

Бу жараёнда бизни ўйга толдириши лозим бўлган яна бир "кичкинагина детал" бор. У ҳам бўлса, кўрсатув давомида ҳар икки рақиб фикр-қарашларига томошабин аҳоли – жамият томонидан берилаётган овозлар сонидир. Агар бу овозлар сони сунъий-механик тарзда, кўрсатув ижодкорлари томонидан бошқариб бориладиган бўлса, бунга, боринг ана, қўл силтаб қўйиш мумкиндир. (Тортишувчилардан бирининг овозини бўғишдек номард ҳаракатларга изн берган "демократик экран"нинг бу ишни ҳам қилишига ҳайрон қолмаймиз-ку!) Лекин, агар бу рақамлар орасидаги фарқ (ўзига мақбул одамнинг оппонентига нисбатан уч-тўрт баравар кўп овозга эга бўлиши!) ростдан ҳам жамият фикри-кайфиятини акс эттираётган бўлса, энди бу ҳол кишини ташвишлантирмаслигининг иложи йўқ. Яъни ахборот, мафкура полигонларида олиб борилаётган, юқорида биз айрим мисолларини эслаганимиз ҳаракатлар, афсуски, ўзининг ***аччиқ меваларини*** бера бошлаётганидан далолатдир бу!

Таассуфки, бошқа ОАВларидаги материалларда ҳам, масалан, турли юмуш билан Россияда юрган хорижий давлат фуқароларининг юридик, ижтимоий, инсоний, маънавий ҳуқуқларининг камситилиши, уларни менсимаслик, ҳатто, очиқдан-очиқ топталиши сингари ўта негатив ҳолатларнинг ёритилишидаги бирёқламаликни сезмаслик мумкин эмас. Тобора урчиб-кўпайиб бораётган "тақирбошлар" (скинхердлар) томонидан хорижий давлатлардан шартнома асосида (яъни пулини тўлаб қўйиб!) ўқишга келган талабаларнинг кетма-кет ўлдириб кетилиши, Кавказ ўлкалари, Молдова, Украина, Озарбайжон ва Марказий Осиё республикаларидан борган ишчиларнинг турли усулларда хўрланиши сингари ҳодисаларга жойлардаги давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамда ОАВларининг муносабатини кўриб, камида ҳайрон бўлади киши. Инсофни ўртага қўйиб айтадиган бўлсак, шунча йиллардан бери бир-биридан хунук бу хунрезликларга қарши бирорта жиддий чора кўрилдими? Нега ҳамма кўриб-билиб турган бу ваҳшийликлар жазосиз қолаверади? Нима учун ҳеч керак бўлмаса ҳам жуда кўп нарсаларга (масалан, бошқа давлатлар қонунларини бузиб, оғир жиноят содир этган турли гуруҳларни қутқариб олишга!) кучи ҳам, имконияти ҳам, маблағи ҳам етаётган давлатнинг бояги "тақирбошлар"-у боши бузуқларни тартибга солиб қўйишга ҳеч кучи етмайди? Бундай кўриниб турган миллатчилик, шовинистик ҳаракатларнинг авж олиши, нормага айланиб қолиши, охир-оқибат, айни жамиятнинг ўзини ортга қайтиб бўлмайдиган ҳалокат ёқасига келтириб қўйиши мумкинлигига яқин тарих неча маротаба гувоҳ бўлганини биламиз-ку...

Энди бунинг аксича ҳолатга билдирилаётган муносабатни олиб кўрайлик. Худо кўрсатмасин, бошқа юртлардан, ҳатто Россиянинг чекка ҳудудларидан келган ўзга миллат вакиллари томонидан ҳатто бўлмайлик, нима юмуш қилмайлик, сўз ила амалимизда агар мана шу туйғудан келиб чиқиб ҳаракат қилсак, иншоолоҳ, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, азиз бошимиз ҳам бўлмайди. Зеро, ҳар бир одамнинг миллий ғурурни асраши, охир-пировардида, миллат ғурурининг асралишига олиб келади. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" деган шиори ўз замирида, жумладан, мана шу қадриятларни ҳам мужассам этган.

Зеро, ҳар бир одамнинг миллий ғурурни асраши, охир-пировардида, миллат ғурурининг асралишига олиб келади. Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" деган шиори ўз замирида, жумладан, мана шу қадриятларни ҳам мужассам этган.

Тўғри, республикамизда фаолият кўрсатаётган аксарият сиёсий партиялар, ҳаракатлар ўзининг низоми, ҳаракат дастурларида юқорида айтилган қадриятларни ҳимоя қилиш ва ривожлантиришни у ёхуд бу шаклда ифода этганлар. Бу борада партиялар томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлардан ҳам кўз юмуш мумкин эмас. Лекин глобаллашаётган замон, тобора мураккаблашаётган ташқи ҳаракат ва таъсирлар Сизу биздан бу фаолиятни амалда янада кучайтиришни, фуқароларимиз дунёқарашини даврга мос тарзда ўстиришни тақозо этяпти.

Агар эътибор берган бўлсангиз, бугунги суҳбатимизда мамлакатимиз ва миллатимиз тақдирига оид айрим муҳим муаммолар атрофидагина фикр юритдик. Ҳолбуки, шиддатли ҳаётнинг ўзи бундай табиий ва учинчи кучлар томонидан пайдо қилинаётган сунъий-зўраки муаммоларни кетма-кет кун тартибига қўймоқда. Шундай экан, "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз номи ва мақсадларига мос тарзда ўзбекнинг ғурурини, шаънини, тақдирини ҳимоя қилиш учун, она юртимизни янада равнақ топтириш учун кундалик фаолиятини амалда жонлантириши, миллатнинг чинакам тикланиши – юксалиши йўлида фидойилик кўрсатиши талаб этилади.

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

"МТ" ТАШКИЛОТЛАРИДА

Президент китоби ўрганилмоқда

ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши ҳамда туман Маънавият тарғибот бўлими томонидан Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби юзасидан тумандаги корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари, маҳаллаларда давра суҳбатлари, тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежида бўлиб ўтди. Давра суҳбатида мазкур асар аҳамияти, уни ўрганиш зарурати ва бу борада ёшлар муносабатини шакллантиришнинг асосий йўналишлари хусусида сўз борди.

Уни коллеж директори Пўлатхўжа Йўлдошев очиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимизга таъсири ҳамда унинг оқибатларининг олдини олиш ва юмшатишга доир давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар тўғрисида гапирди.

Тадбирда ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ҳ.Жуманиёзова, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими А.Бердиев, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси девони бош мутахассиси А.Рўзитоев, туман Маънавият тарғибот бўлими бош мутахассиси Ф.Хаитовалар сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида аҳоли манфаатлари ва турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган аниқ мақсад-вазифалар, уларни амалга ошириш муддати қамраб олинганлиги ва бу каби ишлар иқтисодиётимизни инқироз ҳолатидан жиддий йўқотишларсиз олиб чиқишига имкон бериши ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот бердилар.

ЎзМТДП Чилонзор туман кенгаши маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда партия фаоллари, маҳалла оқсоқоллари ва бир қатор мутахассислар иштирокида худди шу мавзуга доир тадбир ўтказди. Тадбирни халқ депутатлари туман кенгаши депутати Мавлуда Зияева олиб борди.

Йиғилишда сўзга чиққан Тошкент Давлат техника университети катта ўқитувчиси Муаттар Рустамова инқирознинг келиб чиқиш сабаблари, мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини бартараф этишнинг чоралари бўйича чоп этилган Президентимиз асарининг мазмун-моҳиятини тушунтириб берди. Маърузада ушбу китобнинг бугунги кундаги аҳамияти ва ундаги ҳар томонлама асосланган аниқ қарашлар, амалий хулосалар, инқирозга қарши чоралар ва уни қўллаш механизмлари, шунингдек, инқироздан сўнг янада кучли, барқарор, мутаносиблашган ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни яратиш имконини берувчи аниқ йўл-йўриқларни амалга оширишда партия фаоллари олдида турган вазифалар ҳам эътибордан четда қолмади.

Иштирокчиларнинг масала юзасидан берган саволлари тадбирни янада жонли ўтишига сабаб бўлди.

Ушбу мавзуга бағишланган тадбир ЎзМТДП Тошкент шаҳар Талабалар шаҳарчаси кенгаши томонидан Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Давлат техника университети талабалари иштирокида шаҳарчадаги Маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳа мутахассислари маруза қилишиб, молиявий-иқтисодий инқироз, унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини бартараф этиш борасида Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида кўзда тутилган вазифаларга кенг тўхталдилар. Жумладан, тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Раъно Зарипова шундай деди:

— Инқироз дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу асарда инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, унинг иқтисодиётимизга таъсирини камайтириш ва оқибатларининг олдини олиш йўллари аниқ белгилаб берилган. Айтиш керакки, жаҳонда ишлаб чиқариш ва маҳсулот экспорти ҳажми камайиб, ишсизлик ортиб бораётган бир пайтда, мамлакатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар катта аҳамият касб этмоқда. Ҳар қандай умуммиллий дастурнинг муваффаққияти энг аввло, мамлакат аҳолисининг унинг ижроси йўлида нечоғлик жипслашиб ҳаракат қилишига боғлиқ. Бу эса ҳар биримиздан масъулият ва ўз ишимизга фидойиликни талаб этади.

Тадбир иштирокчиларнинг қизиқарли саволлари ва баҳс-мунозаралари асосида кечди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ФОРУМ

Баркамол ёшлар – обод Ватан келажаги

Касби туманида ўтган ушбу анъанавий форум ёшлик айёмига айланди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Форум иштирокчилари дастлаб тумандаги ёш тадбиркорлар томонидан тақдим этилган миллий ҳунармандчилик, зардўзлик, каштачилик ва ҳайкалтарошлик ишлари кўргазмаси билан танишдилар. Бугун келажагимиз бўлган ёшларнинг эртаси ҳақида ўйб борганда, Ватанга садоқатли, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат ҳисси билан улғаяётган, маънан етук ўғил-қизларни тасаввур этамиз. Президентимиз раҳбарлигида ёш авлод тарбияси, унинг камолоти йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар мақсади, унинг бераётган ижобий натижаларини ҳаётимизда кўриб, сезиб турибмиз. Кўргазмани томоша қилаётган форум иштирокчилари қалбида ота-боболаримиздан мерос қолган миллий ҳунарларни моҳирона эгаллаган ва уларга янада сайқал бериб, нафақат юртимиз, балки дунёга танитишга интилаётган тенгдошлари ижоди ҳавас ва қизиқиш уйғотгани шубҳасиз. Бир ғуруҳ ҳунарманд ёшларнинг партия томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирлангани эса уларни руҳлантирибгина қолмасдан, янги ижодий изланиш ва марралар сари дадил қадам ташлашга ундади.

"Баркамол авлод — обод Ватан келажаги" ёшлар форумини Касби туман ҳокими Фурқат Шарипов кириш сўзи билан очди. Нотиқ ўз сўзида Ўзбекистон "Миллий тикланиш"демократик партияси томонидан ташкил этилган ушбу форум ҳам ёшларда она Ватанимиз, миллий қадриятлар ва урф-одатларимизга ҳурмат-эҳтиром, бурчни англаш туйғусини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади. Унда сўз олган ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Арслон Эшмуродов партия томонидан мазкур тадбир республика миқёсида ўтказилиб келинаётганлиги, бундан кўзланган мақсад эса келажак авлодни ЎзМТДПнинг ёшларга оид сиёсати билан таништириб бориш орқали уларни сафимизга кенгроқ жалб этиш, халқимизнинг бой тарихий, маданий ва маънавий мероси асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш эканлиги ҳақида фикр юритар экан, жумладан шундай деди:

— Биз тадбир орқали вилоят ёшларини бирлаштиришни, юзма-юз, самимий, жонли мулоқот ўтказишни, бу орқали ёшлар масаласида эришилаётган ютуқлар билан бирга уларни ўйлантираётган муаммолар, қизиқтираётган саволларни чуқур таҳлил қилишни мақсад қилдик. Албатта бу мақсад замирида партиямизнинг ёшлар ҳаётига тааллуқли дастурий вазифаларини ҳаётга тўлалигича татбиқ этиш истаги ётибди.

ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ойниса Очилова, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Усмон Нусуровларнинг табрик сўзларида ҳам юқоридаги фикрлар ўз ифодасини топди.

Таъкидлаш жоизки, вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ёш сиёсатчилар, лидер қизлар каби йўналишларда аниқ режалар асосида иш олиб бормоқдалар. Ёшлар даврасида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар, ўқув семинарлари, давра суҳбатлари уларни мамлакатимиз равнақи ва юртимиз истиқболи учун бирдамликда ҳаракат қилишга ундамоқда.

— Мамлакатимиз шу кунгача эришган ютуқларини ёшлармиз иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳар бир соҳа, ҳар бир жабҳада уларнинг муваффақиятларини кўришимиз мумкин,- дейди форумда сўзга чиққан тумандаги 26-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Насиба Шарипова. — Тенгдошларимнинг интеллектуал салоҳияти анчайин ўткир ва теран. Бундай иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ташаббусларини тўғри йўналтириш юртимиз келажаги истиқболини белгилаб беради. Биз ҳам бу эътибор ва яратилган шарт-шароитлардан руҳланамиз ва шунга яраша самарали ҳисса қўшишга интиламиз. Ўйлайманки, бу форум ёшларимизда ана шу иштиёқ ва шижоатнинг янада кенг қанот ёзишига имкон яратади.

Форум давомида республика "Ёш томошабинлар" театрининг томошалари, ижро этилган куй-қўшиқ ва дилрабо рақслар, ёш спортчиларнинг турли йўналишлардаги чиқишлари барчага кўтаринки кайфият, завқ-шавқ улашди.

Айтиш керакки, тадбирдан кутилган самара ўша пайтнинг ўзидаёқ ёшларимиз кайфиятида намоён бўлди, десак янглишмаймиз. Форум иштирокчиси бўлган "Ёшлар қаноти" аъзоси Зилола Шаропованинг фикрларига қулоқ тутайликчи: — Мен Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сафида эканлигимдан фахрланаман. Боиси партия томонидан ташкил этилган кўплаб сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий мавзулардаги тадбирлар, ўқув семинарларидаги доимий иштироким, сиёсий билимим ошишига, жамоатчилик ишларида фаоллашувимга олиб келди. Сиёсий жараёнларда муносиб иштирок этаётган ва кўплаб ютуқларга эришаётган тенгдошларимни биламан. Бунинг самараси ўлароқ уларнинг дунёқараши бойиб, билимлари мустаҳкамланиб бормоқда. Сабаби, янги ғоя, рағбат ва ташаббуслар, худди шундай муҳит, яъни ўзаро бирлашув, фикрлар ва тажрибалар алмашинувида юзага келади. Аминманки, форум натижасида ёшлар ҳисобига партия аъзолари янада кенгайди.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

ФРАКЦИЯ

Муҳокамада қонун лойиҳалари

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Х.Дўстмуҳамедов олиб борди. Унда фракция аъзолари, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Сарвар ХУРРАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Истиқлол йилларида Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида халқимизнинг бир неча минг йиллик бой ва бебаҳо тарихий, маданий ва маънавий меросини тиклаш, сақлаш, ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Йиғилишда уларни муҳофаза қилиш ва фойдаланишни тартибга солиш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг иккинчи ўқишдаги муҳокамасида яна бир бор таъкидлаб ўтилди. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари, партиялар фракциялари ҳамда ялпи йиғилишида муҳокама қилинган эди. Ишчи гуруҳи томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатгаа олиниб, иккинчи ўқишга тайёрланган таҳрири фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Шунингдек, қонун лойиҳасининг биринчи ўқишдаги муҳокамасида депутатлар томонидан эътироф этилган археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни таъминлаш билан боғлиқ асосий тушунчаларни аниқлаштириш ва бошқа камчиликлар тўлдирилди. Йиғилишда фракция аъзолари Абдуғофур Маматов, Умид Исмоилов ва Абдурашид Тўхтабоев ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб, мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий ғояларига мос эканлигини айтиб ўтдилар.

Фракция йиғилишида, шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига ва "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Маълумки, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг "Ишга қабул қилишда энг кичик ёш тўғрисида"ги (1976 йил 26 июнь, Женева) 138-сонли Конвенцияси ратификация қилинди. Мазкур Конвенциянинг 2-моддасига биноан ишга қабул қилишдаги энг кичик ёш умуммажбурий таълимни тугатган пайтдаги ёшдан паст бўлмаслиги ва барча ҳолатларда 15 ёшдан кичик бўлмаслиги белгиланган.

- Қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ҳамда "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенция талабларига мослаштирилди, - деди мазкур масала юзасидан тушунтириш берган Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Алия Юнусова. - Хусусан лойиҳада болаларни таълим олишига халақит берадиган ишларни бажаришдан ҳимоя қилиш кўзда тутилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилинишидан асосий мақсад болаларни билимли, соғлом бўлиб камол топиши учун шароит яратиб беришдан иборат.

Йиғилиш якунида муҳокама қилинган қонун лойиҳалари юзасидан фракциянинг нуқтаи назари ишлаб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

ПАРТИЯ ТАДБИРИ

Дастурий мақсадларимиз

фаоллик, изланиш ва ташаббус талаб этади

Бугун молиявий-иқтисодий инқироз жаҳон афкор оммасини жиддий ташвишга солаётгани барчага кундай равшан. Зеро, унинг қўлами кун сайин кенгайиб бормоқдаки, унинг таъсири дунё харитасидаги улкан мамлакатлардан тортиб, то кафтдек давлатларгача сезилмоқда. Ана шундай вазиятда Президентимиз Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли китоби муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу асарда молиявий-иқтисодий инқирознинг келиб чиқиш сабаблари, мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири ҳамда ундан чиқиш чоралари ҳақида гап боради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ватан олдидаги бурчини яхши ҳис этган ҳар бир фуқаро китобнинг мазмун моҳияти, бугунги кундаги аҳамияти, ундаги ҳар томонлама асосланган аниқ илмий қарашлар, амалий хулосалар, инқирозга қарши чоралар дастури ва уни қўллаш механизмларини тўлиқ англаб етмоғи даркор. Бунинг учун аҳоли онг-шуурига, асар мазмун-моҳиятини тўла етказиб бериш ҳамда сингдириш зарур. Бу борада сиёсий партияларнинг ўрни, роли ва вазифаси бениҳоя муҳимдир. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ушбу масалага долзарб ҳамда устувор вазифа сифатида ёндошмоқда. Куни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам асосий эътибор ушбу масала юзасидан қилинаётган ишлар, ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигига қаратилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари аъзолари, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутатлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. Тадбирда сўзга чиққанлар партия мавзу юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш билан бирга инқирозга қарши чоралар Дастурида белгиланган инқироздан сўнг мамлакатимизда янада кучли, барқарор, мутаносиблашган ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни яратиш имконини берувчи аниқ йўл-йўриқларни амалга оширишда ҳам масъул эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Шу билан бирга бу борада йўл қўйилаётган камчиликлар жиддий танқид остига олинди. Йиғилишда шунингдек, Президентимизнинг "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори борасида олиб борилаётган ишлар юзасидан маърузалар тингланди. Сўзга чиққанлар айни пайтда ушбу байрамни кенг нишонлашга қаратилган чора-тадбирлар қизғин авж олганлиги ҳамда тўйга тўёна қилинажак кўпгина иншоотлар қад ростлаётгани тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Шундан сўнг йиғилишда партия шаҳар кенгаши фаолияти танқидий таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди. Сўз олган партия туман кенгашлари Ижроия қўмиталари раислари аъзолар сонини ошириш ва аъзолик тўловларини ўз вақтида тўлаш, ўтказилаётган тадбирларнинг сони ва сифатини ошириш юзасидан ҳисобот бериб ўтди. Туман кенгашлари Ижроия қўмиталар раисларининг сиёсий билим ва тажрибаси етарлими? Партия фаоллари партиянинг мақсад-вазифалари ҳамда дастурини кенг жамоатчиликка етарлича етказа оляптими? Партия мавқеини оширишда яна нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозим? Ана шундай танқидий ва мулоҳазали фикрлар кун тартибидан асосий масала сифатида ўрин олди. Музокарада сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Раъно Зарипова, Олим Ўсаров, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши партия депутатлар гуруҳи раҳбари Акмал Акромов, ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Рустам Қосимов яқинлашиб келаётган сайлов жараёнлари партия олдида турган муҳим синов эканлиги ҳамда унга жиддий тайёргарлик кўриш зарурлиги юзасидан фикр билдирдилар.

Йиғилиш сўнггида партия фаоллари келгусидаги вазифаларни белгилаб олдилар.

Аброр УМАРҚУЛОВ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

НУҚТАИ НАЗАР

Марказий Осиё: Тинчлик, тараққиёт ва барқарорлик

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон ташаббуслари халқаро миқёсда ва мамлакатимизда тўла қўллаб-қувватланмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ва бугун ҳам шу позициясидан ортга чекингани йўқ. БМТ шафелиги остидаги "6+2" гуруҳига аъзо давлатлар томонидан 1999 йил июль ойида қабул қилинган "Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларацияси"да ҳам мамлакатимизнинг афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ғояси мужассам эди.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган Минг йиллик Ассамблеясида давлатимиз раҳбари **"...минтақалар хавфсизлиги ва алоҳида давлатлар миллий хавфсизлигини таъминламай туриб, умумий халқаро хавфсизликка эришиб бўлмаслиги"**ни алоҳида таъкидлаб **"Кимки қандайдир тор хавфсизлик қобиғига ўралиб, бу Европа, Америка ёки бошқа бирон минтақага тааллуқли дея "ўзга" давлатлар муаммоларидан гўё четда туришга интилаётган бўлса, мавжуд воқеликдан тамомила йироқдир – бугун дунё мамлакатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ва ажралмасдир"** деб халқаро жамоатчиликни ўша пайтда Афғонистонда вужудга келган ниҳоятда таҳликали вазиятдан огоҳ этган эди. Орадан бир йил ўтиб, машъум 11 сентябрь воқеалари бу огоҳлантириш қанчалик ҳаётий асосга эга эканлигини кўрсатди.

Ўзбекистоннинг яна бир ташаббуси Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Истанбул саммити минбаридан янграган эди. Давлатимиз раҳбари НАТОнинг Бухарестда ўтган саммитида эса БМТ кўмагида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича "6+2" гуруҳи доирасида олиб борилган музокара жараёнини НАТО иштирокида "6+3" шаклида қайта тиклаш ташаббуси дунё жамоатчилиги томонидан қизғин кутиб олиниб, қўллаб-қувватланган эди.

Давлатимиз раҳбарининг хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлари ва БМТ, ЕХҲТ, НАТО, ШҲТ, МДҲ ва бошқа халқаро ташкилотлар анжуманларидаги нутқларини кўздан кечирар эканмиз, Афғонистонни халқаро ва минтақавий ташкилотлар ишида фаол иштирокини таъминлаш, бу мамлакатни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга изчил эътибор бериб келаётганликларига шоҳид бўлишимиз мумкин. Шу ўринда, Афғонистон муаммосини ҳал қилишда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини ҳам жалб қилиб, мазкур халқаро тузилма имкониятларини ишга солишни ҳам 2001 йилнинг июнь ойидаёқ биринчи бўлиб Президентимиз таклиф қилган эдилар: **"Афғон муаммосини ҳал қилишда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг салоҳиятидан фойдаланиш, айтиш мумкинки, унинг бошини бу ишга қўшиши муҳим аҳамият касб этади. Зеро, айнан шу ташкилотга аъзо давлатлар Афғонистонда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан бошқалардан ҳам кўра манфаатдорроқдир".**

Шу йил 9 май куни Хотира майдонида журналистлар билан суҳбатда давлатимиз Президенти И.А.Каримов Афғонистон муаммосига жаҳон жамоатчилиги эътиборини яна бир бор қаратиб, **бу можарони фақатгина ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини** алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Мана шу фактлардан ҳам кўриниб турибдики, юқорида айтганимиздек, биринчидан, Ўзбекистоннинг Афғонистон борасида илгари сураётган ташаббусларида муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш ғояси устунлик қилади. Иккинчидан, Президентимиз илгари сураётган ташаббуслар реал асосга эга ва у Афғонистондаги мавжуд вазиятни чуқур таҳлилига асосланади.

Ўзбекистон ташаббусларининг моҳияти ҳақида гапирганимизда, аввало афғон халқини тинч меҳнатга қайтариш, яъни биринчи навбатда аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш, мамлакат инфратузилмасини тиклашни Юртбошимиз асосий ўринга қўймоқда. Чунки, 1979 йилдан буён давом этаётган бу уруш туфайли, катта бир авлод уруш олови ичида вояга етди. Бу авлод қурол ишлатишдан бошқа нарсани билмайди ва кўрмаган ҳам. Мамлакатдаги бошбошдоқлик, ички ва ташқи низолар туфайли одамлар онгида ҳамма нарса фақат қурол ва куч воситасида ҳал қилинади деган тушунча ўрнашиб қолган. Ана шундай шароитда, аввало афғон ёшларининг қўлидан қуролни олиб уларни яратувчилик ва бунёдкорлик меҳнатига қайтариш бош вазифа бўлиб турибди.

БМТ маълумотларидан маълумки, бугунги кунда дунёда етиштирилаётган 90 фоизга яқин наркотик моддалар Афғонистон ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса иккита йирик муаммони келтириб чиқаради. Биринчидан, наркотик моддаларни ноқонуний етиштириш ва сотишни авж олдириб, миллионлаб одамлар умрига завол бўлаётган бўлса, иккинчидан, халқаро терроризм ва диний экстремизмни молиявий томирига сув қўймоқда. Президентимиз сўзлари билан айтганда: **"Агар диний экстремизм ва ақидапарастлик шиорлари халқаро терроррнинг ғоявий ниқоби бўлса, наркобизнес ва наркотрафик, ҳеч шубҳасиз, халқаро терроррнинг молиявий таянчидир".** Шу боис афғон қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, ерларнинг мелоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш тизимини йўлга қўйиш, деҳқончилик маданиятини ошириш ва энг муҳими ғалла, пахта, мева-сабзавот етиштириш орқали ҳам тирикчилик қилиб, рўшнолик кўриш мумкинлигини амалда исботлаш зарур. Токи, бу юртда яшаётган ҳар қайси инсон бу ўзгаришларнинг таъсирини ўзининг, оиласининг ҳаёти мисолида кўрсин. Шу ўринда, Афғонистондаги ҳарбий операциялар учун ҳаҚаро коалицион кучлар ўн миллиардлаб доллар сарф қилаётганлигини эслаш жоиз. Агар шу маблағнинг тенг ярми мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфланганда эди, бугун Афғонистонда тамоман бошқа манзарага гувоҳ бўлардик.

Мамлакатимиз раҳбариятининг ушбу муаммо ечимига қаратилган яна бир ташаббуси – кўпмиллатли афғон халқининг диний, миллий-маъанавий қадриятлари ва урф-одатларини, тарихини топташ эмас, ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашдан иборат. Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарларидан маълумки, аксилтеррор операциялари чоғида, коалицион кучларнинг қўпол хатолари туфайли тинч аҳоли, болалар ва қариялар бомбалар, снарядлар остида қурбон бўлмоқда. Бу эса оддий одамларда халқаро кучларга нисбатан ишончсизлик пайдо қилмоқда. Бунга мисол тариқасида, яқинда Афғонистон ғарбида содир бўлган ва кўплаб тинч аҳолини ҳалок бўлишига олиб келган машъум воқеани эслаш кифоя.

Афғонистонда аксилтеррор ҳаракатлари билан бирга мамлакатни тиклаш бўйича халқаро миқёсда ҳаракатлар ҳам бошланган эди. Орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамасдан, бу борада сезиларли ўзгаришлар кузатилмаяпти. Чунки, хорижий оммавий ахборот воситалари ва халқаро кузатувчиларнинг фикрича донор мамлакатлар томонидан ажратилаётган маблағларнинг катта қисми порахўрлик туфайли талон-тарож қилинмоқда. Яқинда Афғонистон ҳукумати тарқатган хабарга кўра, берилган халқаро ёрдамнинг учдан бир қисмини ташкил этувчи маблағ ҳақида ҳисобот бериш муш-кул. Афғонистонда "тиклаш" ишларини олиб бораётган хорижий компаниялар ходимлари маоши Афғон мутахассисларникидан 200-300 баробар юқори эканлиги, мактаб, касалхона, йўл қурилиши учун ажратилган маблағнинг қарийб 40 фоизи компания фойдаси сифатида яна донор мамлакатнинг ўзига қайтиб кетаётганлиги ниҳоятда ачинарли ва ташвишли ҳолдир.

Бу борада ҳам мамлакатимиз ўз таклифларини амалий ишлар билан мустаҳкамлаб, афғон халқига йўл ва кўприклар қурилишида, озиқ-овқат ва энергетика таъминотида яқиндан ёрдам бермоқда. Шу ўринда, Афғонистонга хорижий давлатлардан берилаётган инсонпарварлик ёрдами ва ушбу мамлакатдаги халқаро коалицион кучларни ноҳарбий маҳсулотлар билан таъминлашда Ўзбекистон беқиёс ўрин тутаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Юклар қайси мамлакат ҳудудидан ўтиб келмасин, охир-оқибат Ўзбекистонга келиши аниқдир. Чунки, фақат Ўзбекистон Афғонистон билан темир йўл орқали боғланган.

Албатта, афғон можароси ушбу давлатнинг қўшниси Покистондаги умумий сиёсий вазиятга бевосита боғлиқ. Воқеалар ривожи шуни кўрсатмоқдаки, бу икки давлатнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштирмасдан ва ўзаро қалин ҳамкорликсиз ҳамда муаммога нисбатан ягона тўхтамга келмасдан туриб уни ҳал қилиб бўлмайди. Ядро қуролига эга Покистондаги умумий вазият кейинги икки йил давомида ниҳоятда кескинлашиб кетди ва мамлакат сиёсий беқарорлик кўчасига кириб бормоқда. Бир томондан халқаро террорчи гуруҳларининг фаоллашуви, иккинчи томондан эса мамлакат сиёсий кучлари ўртасидаги муросасиз кураш бутун минтақага, айниқса Афғонистондаги вазиятга янада катта салбий таъсир этмоқда.

Афғонистон муаммосини Марказий Осиё ва миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан таҳлил қилсак – бу можарони ҳал бўлиши жуда катта салоҳиятга эга минтақа учун дунё бозорига чиқишда кенг имкониятлар эшигини очиши табиий. Биринчидан, минтақада барқарорлик таъминланса, иккинчидан, биз учун энг яқин денгиз портига чиқиш имкониятини яратади. Шу боис, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, бу муаммони тезроқ ҳал бўлишидан минтақа давлатлари ҳаммадан кўра ҳам манфатдорроқдир. Лекин, ҳозир ғарбда ҳам, шарқда ҳам ҳали шундай сиёсий кучлар борки, улар ўзларининг узоқни кўзловчи геосиёсий ва геостратегик мақсадлари йўлида Афғонистонда ҳалиҳамон кескинлик сақланиб қолишини истайдилар. Улар биринчидан, афғон беқарорлиги билан Марказий Осиё давлатларини муқобил транспорт-коммуникация тармоқларига чиқишини тўхтатиб туришни кўзласалар, иккинчидан Афғонистондаги уруш, халқаро террорчилар хуружи воситасида минтақага сиёсий босим ўтказиш ёки талаб қўйишни кўзлайдилар. Учинчидан эса, яна шундай кучлар борки, бу қирғинбарот урушни қурол савдоси бўйича мўмай даромад олиб келадиган бизнесга айлантириб ҳам олганлар.

Бугун, дунёнинг баъзи бурчакларида афғон фожиасини гўё ўзига яқин олиб лоф ураётган айрим сиёсатчилар ҳам бор. Ички вазиятни чуқур билмасдан ёки билиб турса ҳам ўзининг тор манфаати йўлида турли ҳавойи "таклиф"лар ниқобида афғон оловига ўт қалашга интилаётган кучлар аслида Афғонистон халқининг бирлиги ва аҳиллигига рахна солиб, мамлакатдаги ижобий ўзгаришларнинг йўлига тўсиқ бўлишмоқда. Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш юзасидан олиб борилаётган эзгу ҳаракатлар билан бирга, афсуски, ана шундай ўйинларни давом эттиришни хоҳлайдиганлар ҳам бор.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк кунлариданоқ қардош ва жафокаш афғон халқининг бошига тушган мусибатларга ҳеч қачон бефарақ бўлмади. Ҳамиша, бу ўлкада тезроқ тинчлик ўрнатиш, қон тўкилишининг олдини олиш, мамлакатни тиклаш, одамларни иш билан таъминлаш, давлат тизимларини барқарор ишлаши тарафдори бўлиб келди ва ушбу позициясидан чекингани йўқ.

Мамлакатимиз миллий манфаатларини ва халқаро масалалардаги позициясини ҳимоя қилишни ўз дастурий мақсадларида асосий вазифа сифатида белгилаган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш борасидаги ташаббуслари ва сиёсатини қўллаб-қувватлайди ва унинг амалий ижроси бўйича мамлакат раҳбарияти олиб бораётган кенг кўламли ишларда фаол иштирок этади.

Давлатимиз раҳбари Хотира майдонида туриб: **"Биз учун, юртимиз учун тинчлик ва осойишталик ҳамма нарсадан қадрлидир. Биз яқин ва узоқ қўшниларимиз билан тенг ва ўзаро ҳурматга асосланган сиёсатни, ўзаро манфаатли, дўстона алоқаларни давом эттиришни, нафақат бугунги авлод, балки келажак авлодимиз ҳам уруш балосини кўрмаслигини истаймиз",**- деб халқимизга мурожаат қилдилар. Юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш бўйича Президентимиз сиёсати ва фаолиятини кенг жамоатчилик ва ЎзМТДП ижтимоий қатлами ўртасида тарғиб қилиш ва тушунтириш, партия ташкилотлари эса ўзларининг амалий фаолияти билан халқимиз ва мамлакатимиз келажагига дахлдор бўлган бу эзгу ишга ҳисса қўшиш учун бутун куч ва имкониятини сафарбар этади.

Мамлакатимиз миллий манфаатларини ва халқаро масалалардаги позициясини ҳимоя қилишни ўз дастурий мақсадларида асосий вазифа сифатида белгилаган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш борасидаги ташаббуслари ва сиёсатини қўллаб-қувватлайди ва унинг амалий ижроси бўйича мамлакат раҳбарияти олиб бораётган кенг кўламли ишларда фаол иштирок этади.

ЖАРАЁН

Миллий ўзликни қадрлаш маскани

Инсон табиати, феъл-атвори гўдаклигидан шаклланар экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она сути билан киради.

Ислом КАРИМОВ

Васила КАРИМОВА,
Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор

Ҳар бир миллатнинг ўзига хос расм-русмлари, урф-одат ва анъаналари бўлади. Уларнинг илдизлари инсоният тараққиётининг илк даврларига бориб тақалади. Даврлар ўтиб, ана шу анъаналарнинг орасида барчага маъқул, фойдали, кундалик турмушнинг у ёки бу жиҳатларини тартибга солишга қаратилган, саралланган, шакллари авлоддан авлодга ўтиб, қадриятларга айланади. Ана шу қадриятларнинг яшовчанлигини таъминловчи маскан оила бўлиб, унинг заминида инсоний муносабатлар, халқ маънавияти ётади. Шунинг учун бўлса керак, анъаналарни расмий буйруқлар ва фармонлар билан йўқ қилиб бўлмайди. Буни яқин тарихимиз ҳам кўрсатди.

Миллатимиз тарихига назар ташласак, халқимиз азал-азалдан оилани ва никоҳни муқаддас санаб, бутун орзу-умидларини айнан шу маскан билан боғлаганлигини кўришимиз мумкин. Оиладаги ришталар орқали эса онани, келажак ворислари бўлмиш ёш авлодни ардоқлаш, насл-насабга эътибор бериш қадриятлари ҳам такомиллашиб боради. Она фарзандлари ўртасида тинчлик, тотувлик, ҳамжиҳатлик муносабатларининг қарор топишида бутун аёллик ақлу заковати, фаҳм-фаросатини намоён этадиган инсондир. Бу меҳрнинг самараси ўлароқ оилада тинчлик, хотиржамлик устувор бўлади.

Тарихга назар ташласак, аёллар камолоти билан жамият равнақ топганига ишонч ҳосил қиламиз. Фарзандининг ватанпарвар, илмли, оиласи учун қайғурадиган шахс сифатида тарбияланишида миллий қадриятлардан оқилона фойдаланган илм ва савод, рўзғор юритишда, муомалада унча-мунча Ғарб ёки Шарқ аёлларидан қолишмайдиган оддий ўзбек аёлининг ўрни ибратлидир.

Яқинда бўлиб ўтган Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган байрам тадбири чоғида Юртбошимиз Ислом Каримов "Оилага садоқат – миллий қадрият-таба кўриш, "ўзбекистонликман" деган номга муносиб бўлишга интилгани, Ватанининг муқаддас тупроғини яна бир карра кўзига суртиш иштиёқида бўлганлиги ҳам аниқ. Маҳоратли кинорежиссёримиз томонидан яратилган "Ватан" фильмида ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар акс эттирилганки, уни кўрган, мушоҳада қилган томошабин кўз ўнгида ўша суронли йиллар ва Ватанни севиш, миллий удумларни қадрлаш акс эттирилган. Бу лавҳалардан уруш йиллари ҳеч кимга осон бўлмаганлигини тасаввур қилиш қийин эмас, лекин аскарларнинг беваларига минг чандон қийин бўлгани, аммо улар бу қийинчиликларга қарамай садоқат, вафо ва муҳаббатнинг рамзи сифатида оила гўшасини муқаддас билганликлари ҳам айни ҳақиқат.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг қон-қонимизга сингиб кетган қадриятларнинг қайта тикланиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Момоларимиз суйиб куйлаган аллалар, достон, эртак ва нақлларимизнинг қайтадан ўрганилиши, маҳалла ва оилага бўлган жиддий эътибор эса уларнинг тарбиявий имкониятларини янада оширди. Зеро, баркамол авлод тарбияси халқимизнинг асрий орзуси, миллий ғоямиз ва қадриятимиз бўлиб, Президентимиз Ислом Каримов томонидан истиқлол йилларига берилаётган номларда оила, она билан бола манфаати доимо устуворлиги фикримизнинг яққол далилидир. Жорий йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"деб номланиши эса асрий қадриятларимиз бешиги бўлмиш оиламиз фаровонлиги йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан зиёди бугун қишлоқларда истиқомат қилаётган қўли қадоқ, меҳнаткаш халқимиздир. Давлат дастурида белгиланган ҳар бир вазифанинг муваффақият билан адо этилиши биринчи навбатда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ва ҳаёт сифатини оширади. Аҳоли билан ўтказилаётган учрашувлар ва суҳбатлардан шунга амин бўламизки, халқ бугун ўз халол меҳнати билан оиласи манфаатини химоя қила олишига, меҳнатдан келган даромад турмушини фаровон, фарзандларни баркамол қилишига ишонади. Улар орасига кириб шунга амин бўламизки, бугун кўплаб оммавий ахборот воситаларида ваҳима билан ёзилаётган жаҳон иқтисодий инқирозини бартараф этишда ҳар бир фуқаронинг ҳалол меҳнати муҳим роль ўйнашини англаш кучайган. Чунки мустақиллик йилларида аҳолининг томорқа ерларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар, кам таъминланган, ҳимояга муҳтож ва ногиронларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, охирги йилларда оилаларга қорамолларни имтиёзли ва текинга бериш сиёсати, қишлоқ инфратизимини ривожлантиришнинг давлат томонидан қўллаб-қуватланаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Томорқа ери, чорва моллари, паррандалари бўлган инсон аслида мулкдор ҳисобланиб, у агар мавжуд имкониятдан унумли фойдаланишни билса, оила аъзолари билан баҳамжиҳатликда рўзғор юритишга азму қарор қилса, унинг ҳаётига ҳеч қандай инқироз таҳдид сола олмайди. Энг муҳими – бугун ҳукуматимиз оилавий тадбиркорликни, касаначиликни қўллаб-қувватлаяптики, бунинг натижасида бобо мерос ва момо мерос касблар ҳунар даражасида улуғланиб, оила бюджети муқим даромад манбаи ҳисобига тўлиб бормоқда. Шажаравий касб ҳам улуғ қадрият бўлиб, у ҳам аждодлар касбига садоқат сифатида миллатнинг қадрияти кучини кўрсатмоқда.

Барча саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, эришган ютуқларимизнинг энг муҳими – ижтимоий фикрнинг оиладай муҳим масканга, унинг қадриятларига қарата олганлигимизадир. Демак, оилани қадрлашимиз, ўзлигимизни, миллий қадриятлармизни тиклашимиз, шаънимизга доғ туширувчи ҳаракатлардан фарзандларимизни ёшлигидан сақлай олишимиз, "Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она" тамойилида бир-биримизга бефарқ бўлмаслигимиз оилани мустаҳкамлаш, унда комил инсон шахсини тарбиялашимизда ҳаммамизга қўл келади. Чунки нормал инсон бахтли бўлишни ният қилиб, дунёга келади. Шуниси характерлики, биз учун "бахт", "оила", "ҳаёт" тушунчалари уйғун ва чамбарчасдир. Кундалик турмушимизда қай юмуш билан банд бўлмайлик, қайси лавозимларда ишламайлик, қандай касб-ҳунар билан тириқчилигимизни ўтказмайлик ўз уйимиз, яқинларимиз, оила даврасига интилишимиз, фарзандимиз истиқболи тўғрисида қайғуришимиз сақланиб қолган экан, оила биз учун муқаддас даргоҳ, барча балою-офатлардан сақлайдиган, бахт тарозимизни мўътадил қилиб ушлаб турадиган, ўзлигимиз, ўзбеклигимиздан ғурурланиш ҳиссини тарбиялайдиган садоқат тимсоли бўлиб қолаверади.

Тарихга назар ташласак, аёллар камолоти билан жамият равнақ топганига ишонч ҳосил қиламиз. Фарзандининг ватанпарвар, илмпарвар, оилапарвар шахс сифатида тарбияланишида миллий қадриятлардан оқилона фойдаланган илм ва савод, рўзғор юритишда, муомалада унча-мунча Ғарб ёки Шарқ аёлларидан қолишмайдиган оддий ўзбек аёлининг ўрни ибратлидир.

МАЪНАВИЯТ

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Тошкентнинг маҳалла ва мавзелари ўтмишда қандай номлар билан аталган?

Каримжон ТОЙЖОНОВ,
биология фанлари доктори
Марҳамат МАТВАФАЕВА,
биология фанлари номзоди

Бу йил қадимий ва ҳамиша навқирон, кундан-кунга кўркамлашиб, чирой очиб бораётган, кўчалари обод, гулларга бурканган азим Тошкентимиз ўзининг 2200 ёшини нишонлайди. Пойтахтимизнинг ўзидай қадимий бўлган, маҳалла ва мавзелари ўтмишда қандай номлар билан аталиши кўпчиликни қизиқтириши табиий.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида шундай жумлалар бор: "Қадимий номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарзи яққол ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг эски шаҳар қисмидаги Пичоқчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи, Заргарлик, Парчабор сингари маҳалла номлари бу ерда ҳунармандчилик нақадар ривожланганидан, халқимизнинг азалдан ўтроқ ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганидан далолат беради".

XVIII асрда Тошкент Кўкча, Бешёғоч, Себзор ва Шайхонтоҳур деб номланган 4 даҳага бўлинган. Шаҳар 1865 йил чор Россияси томонидан босиб олингач ҳозирги Анҳор каналининг ўнг томони эски шаҳар, чап томони эса янги шаҳар деб аталган.

Эски шаҳар Какловуз, Анҳор, Кўкча ва Зах каналлари билан чегараланган бўлиб, шаҳар атрофи девор билан ўралган. XV асрда шаҳарни ташқи шаҳарлар билан боғлайдиган 7 (баъзи маълумотларда 10) та дарвозаси бўлиб, XIX асрга келиб дарвозалар 12 тага етган. Ҳар бир дарвоза ўз йўналишига қараб, шаҳар, улус ёки уруғ номи билан аталган. Чунончи Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Соғбон, Чиғатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, каби ўтмишдаги мавзелар ва маҳаллалар ҳамон мавжуд.

"Тошкентнинг маҳалла ва мавзелари" номли китобда келтирилишича Тошкент қадимда Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур ва Бешёғоч деб аталган даҳаларга, даҳалар эса ўз навбатида маҳаллаларга бўлинганлиги, Шайхонтоҳур даҳасида 70 та маҳалла, 30 та мавзе, Себзорда 79 та маҳалла 64 та мавзе, Кўкчада 56 та маҳалла 43 та мавзе, Бешёғоч даҳасида эса 76 та маҳалла 36 та мавзе, жами 281 та маҳалла, 173 та мавзе бўлганлиги қайд этилган.

Рисолада келтирилишича бундан бир аср муқаддам Тошкентнинг эски шаҳар қисмида бирорта ажнабий ном билан аталган маҳалла ёки мавзе бўлмаган экан. Эски шаҳар қисмида қайд этилган ўша пайтдаги номларни аксарияти ҳозир ҳам мавжуд. Оҳунгузар, Себзор, Тарновбоши, Қозиқўча, Қумлоқ, Ҳасанбой, Дархон, ва ҳоказо.

Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида бу борада шундай деб ёзади: "Бугунги кунда ёшларимиз юртимизнинг кўча ва хиёбонлари, метро ва автобус бекатлари, катта-катта майдонлар, биноларни безаб турган ўзбекча номлар, шиор ва лавҳаларни кўриб, буларнинг барчасини одатий бир ҳол сифатида қабул қилади. Ваҳолангки, яқин тарихимизда бу манзара бутунлай бошқача кўринишга эга эди. Биргина Тошкент шаҳридаги кўчаларнинг номларини ўқиб, беихтиёр қайси мамлакатда юрганингизни билмай қолар эдингиз: Ленин, Маркс, Энгелсь, Луначарский, Киров, Ворошилов, Лопатин ва ҳоказо. Шуниси ажабланарлики, большевиклар партиясининг доҳийлари бўлмиш бу инсонларнинг бирортаси ҳам умрида юртимизга қадам қўймаган, бизнинг тарихимиз ва қадриятларимизга мутлақо алоқаси бўлмаган кимсалар эди".

Ҳозирги "Буюк ипак йўли" метро бекатидан бошланадиган шоҳкўча бундан 30-35 йил олдин "Высоковольтный" (юқори кучланишли), кейинчалик Черданцев, Максим Горький номи билан аталарди. Унга эндиликда узукка кўз қўйгандек Мирзо Улуғбек номи берилди.

Ажабланарлиси шуки, ҳозирги "Академиклар шаҳарчаси" деб ном олган маҳалладан юқорироқда шу кўчанинг чап томонидаги кўп қаватли уйлар ҳам илгари М.Горький номида, ўнг томонидаги шахсий уйлар эса унинг "Изергил кампир" ҳикояси қаҳрамони Донко номи билан аталарди.

Мустақиллик туфайли мавҳум номлар, хусусан давр руҳиятидан келиб чиқиб қўйилган атамалар бекор қилиниб, худди шу ҳудудларнинг ободончилиги учун, халқ манфаати йўлида бунёдкорлик ишларини амалга оширган ота-боболаримизнинг номлари абадийлаштирилди. Бундан ташқари бир қатор янги масканлар, боғроғлар барпо этилиб, инсонларнинг эҳтиёжлари учун хизмат қилувчи савдо марказлари ишга туширилди. Албатта бу орқали миллатимизни бутун дунёга танитиш йўлида машаққат чеккан бобокалонларимизнинг руҳи шод этилди десак муболаға бўлмайди. Бундан бир неча йил бурун пойтахтимизда меҳмон бўлган хорижлик сайёҳ бу галги сафарида "Мен юртингизнинг шу қадар тез жаҳон мамлакатлари билан беллаша оладиган чиройга эга бўлишини кутмагандим. Айниқса сизларда "маҳалла" деган институт мавжуд экан. Бу ҳақиқий маънода ўзбекларнинг меҳр-оқибати, яқин дўстона алоқалари, қуни-қўшничилик каби ўзига хос одатларининг миллий кўринишиа асрлар давомида шаклланганидан дарак беради" деганида биринчи навбатда пойтахтимиз гўзаллигига урғу берганини ҳис қилган эдим. Пойтахтимиз маҳалла ва мавзеларининг ҳусни юртимиз қиёфасига зеб бериб туришини унутмаслигимиз лозим.

РЕПОРТАЖ

"Талабалар баҳори – 2009"

Байрамона безатилган "Ёшлик" стадиони талабалар билан гавжум. Жонажон пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ташкил топган кун муносабати билан ўтказилган "Талабалар баҳори – 2009" фестивали барчага кўтаринки руҳ бағишлади.

Мусиқа садолари остида ЎзМУ факультетлари спортчилари майдонга кириб келишгач, Ўзбекистон байроғи кўтарилди. Мадҳиямиз янграган чоғда барча бирдек ҳурмат бажо айлаб қўлини кўксига қўйди.

– Фестивалимиз ушбу кунларда ўтказилаётганида катта рамзий маъно бор,– деди анжуманнинг тантанали очилиш маросимида университет ректори Ғафуржон Муҳамедов. – Яъни, ўқув масканимиз дастлаб 1918 йили худди шу куни "Туркистон халқ миллий дорилфунуни" номи билан ташкил этилган. Шу муносабат билан бу анжуман талабаларимиз ва мураббийлар учун қўшалоқ байрамга айланди. Ўқув даргоҳимиз турли даврда турлича номланишини йиллар силсиласида таълим тараққиёти ва сифатининг янги-янги босқичларга кўтарилиши билан изоҳлаш мумкин. Бугун университетимиз таркибида 13 та факультет, 95 та кафедра, 16 та илмий лабаратория фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Олий педагогика институти, Амалий физика илмий текшириш институти, Олий адабиёт ҳамда Олий журналистика курслари, 2 та академик лицей, ўқув-амалиёт маркази, Ижтимоий тадқиқотлар маркази, Амалий экология ва табиатдан унумли фойдаланиш марказлари фаолият кўрсатмоқда. Ўқув даргоҳимизнинг бакалаврият босқичида 46 йўналиш бўйича 10 мингга яқин, магистратура босқичида 115 та ихтисослик бўйича 2 мингга яқин талаба таҳсил олмоқда. Ўтган йили университетни муваффақиятли тамомлаган 3400 дан ортиқ йигит-қизлар (жумладан, 831 нафари магистр) ишлаб чиқаришга йўл олдилар. Демоқчиманки, университетимиз ташкил топган кун бу даргоҳда таҳсил олиб, ҳаётда муносиб ўрнини топган минглаб замондошларимиз ва бугун ҳам шу қутлуғ масканда таълим олаётган барча талабаларимиз учун бирдек муқаддасдир. Умид қиламанки, "Талабалар баҳори – 2009" фестивали барча талабаларимиз қалбида она Ватанга чексиз муҳаббат ва ифтихор туйғуларини янада жўш урдиришга хизмат қилади.

Спорт мусобақаларига старт берилди. Узоқ масофага югуриш бўйича ўтказилган дастлабки мусобақада Тарих факультети биринчи, Биология-тупроқшунослик факультети иккинчи, Иқтисодиёт факультети талабалари учинчи ўринни эгалладилар.

Бир ҳафта давом этган анжуман ўзига хос спорт байрамига айланди. Университет спорт мажмуасида факультетлар мураббийлари ҳамда талабалар жамоалари ўртасида футбол, мини-футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка ва спортнинг бошқа турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

Фестивалнинг ёпилишида ғолибларни тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ғолиблар махсус дипломлар, компьютер ва бошқа қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Азиза УСМОНОВА,
Дилноза ҲАЙИТОВА

2009 ЙИЛ — "ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ"

Иккита қўшма корхона

меҳнатободликларга хизмат қилади

Ватанимиз тараққиёти кўп жиҳатдан қишлоқларнинг ривожланишига боғлиқ. Зеро, қишлоқ обод бўлса, юрт равнақ топади. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастуридан юртимизда қишлоқ аҳоли пунктларини тубдан ўзгартириш, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш каби қатор масалалар ўрин олган.

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

"Меҳнатобод" қишлоқ фуқаролар йиғини Мирзаобод туманидаги йирик аҳоли масканларидан бири саналади. Меҳнатободликларнинг турмуш шароити йилдан-йилга яхшиланиб боришида қишлоқ тадбиркорларининг ҳиссаси ҳам катта. Ҳудудда янгидан-янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, эл-юртнинг корига яраяпти. Жумладан ишбилармон аёл Гуландом Ҳожиматовага тегишли тикувчилик цехи қишлоқ аҳлига намунали хизмат кўрсатмоқда. Энг муҳими бу ерда қишлоқ ёшлари доимий иш билан банд. "Найман" қишлоғида яшовчи Абдураим Алибеков эса ўз сармояси ҳисобидан савдо маиший хизмат турларини барпо этмоқда.

Ҳудудда ишнинг кўзини билган, миришкор деҳқонлар кўпчиликни ташкил этади. Улар томорқаларида етиштираётган мева ва деҳқончилик маҳсулотлари ортидан катта даромад олаяптилар. Ширинбой ҳожи Маматов 30 сотихлик иссиқхонасида ҳар йили помидор, бодринг каби полиз экинлари етиштириб, эл дастурхонига барака киритаяпти. Абдували Алибеков, Ботир Ҳошимов, Рўзимамат Турдибековлар оиласи ҳам ўз иссиқхоналаридан кўкат, резавор маҳсулотлари етиштириш эвазига катта даромад соҳибига айланмоқдалар. "Деҳқонобод" ширин ва мазали анорлари билан машҳур. Ҳудуддаги деярли ҳар бир хонадонда анор парваришланади. Абдуманноп Собиров, Умурзоқ Бердиёров каби ишбилармон деҳқонлар томорқаларидаги анорларидан катта фойда кўрмоқдалар. Ҳудуддаги қишлоқларда чорвачилик, паррандачилик соҳаси ривожланиб, оилалар дастурхонига қут-барака киритаяпти. Хонадонлардан сут, қатиқ, ёғ, гўшт, тухум каби озиқ-овқат маҳсулотлари асло узилмайди. Қишлоқда 4600 бош қорамол, 3 мингга яқин парранда боқилади. Шунга яраша аҳолининг чорва моллари, паррандаларига хизмат кўрсатувчи ветеринария хизмати пункти доимий равишда фаолият кўрсатиб келмоқда.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да меҳнатободликларга катта қулайликлар яратилмоқда. "Деҳқонобод" қишлоғида 300 ишчи ўрнига мўлжалланган Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси ишга туширилиши режалаштирилаяпти. Шунингдек, ҳудуддаги собиқ музхона биноси ўрнига Хитой Республикаси билан ҳамкорликда шам ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхона ўз фаолиятини бошлаши кутилмоқда. Бундан келиб чиқадики келажакда "Меҳнатобод" обод гўшага айланиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги янада юксалади.

ХИЗМАТ

Суғурта — ҳимоя кафолати

Зият ҚЎЧҚОРОВ,
"Ўзагросуғурта" Иштихон туман бўлими менеджери

Бозор талаби қатъий. Тажрибали ишбилармон ҳам баъзан рақобатга дош беролмай қолиши мумкин. Бундай пайтда уни жамият ҳаётини кенг қамраб олаётган суғурта хизмати хўжалик юритувчи субъект ёки фуқаро жонига оро киради. Наинки табиий офат ёхуд экологик муаммолар, балки тижоратдаги муваффақиятсизлик каби хавф-хатар суғурта идораларининг мадади билан ҳал этилади. Ана шу ҳақиқатни одамлар теран ҳис этган ҳолда суғурта компаниялари имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Суғурталаш инсон ҳаётида эмас, балки бутун жамият ва мамлакат ҳаётида муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда суғурта соҳаси давлатимиз иқтисодий ўсиши барқарорлигини таъминловчи бозор инфратузилмасининг асосий таркибий қисмларидан бирига айланди.

"Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси Республика Президентининг 1997 йил 25 февралдаги фармонига биноан ташкил этилган. 1997 йил апрель ойидан бошлаб "Ўзагросуғурта" ДАСКнинг туман бўлими фаолият кўрсатиб келмоқда. Бўлимимиз суғурта ходимларининг саъй-ҳаракати билан 2008 йилда фуқароларни мол-мулки, иморатлари, уй анжомлари, чорва моллари, экинзорлари, мевали ва мевасиз дарахтларини суғурталашдан 20047,6 минг сўм, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини суғурталашдан 5714,0 минг сўм, транспорт воситалари эгаларини фуқаролик жавобгарлигининг мажбурий суғуртасидан 9570,7 минг сўм, гаровга қўйилган мол-мулк суғуртасидан 8577,8 минг сўм, корхоналар мол-мулки суғуртасидан- 2644,0 минг сўм, деҳқон фермер хўжаликлари ғалла ва пахта ҳосили суғуртасидан- 41806,2 минг сўм, лизинг суғуртасидан 641,7 минг сўм, бошқалардан -122,0 минг сўм, суғурталашдан 89124,0 минг сўмлик маблағ тўпланди. Жорий йилда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 27% ўсишга эришилди. Бу фуқароларимизнинг тизимга нисбатан ишончи ортганлигини кўрсатади.

"Ўзагросуғурта" ДАСКнинг туман бўлими ўтган йилда аҳоли иморатлари ва чорва моллари кўрган зарарни қоплаш учун 3839,0 минг сўм, фермер хўжаликлари кўрган табиий офат зарарларини қоплаш учун 22629,1 минг сўм, 308- қарор бўйича- 285,4 минг сўм, жами зарар учун 25753,5 минг сўмлик суғурта товонлари тўлаб берилди.

Мамлакатимизда суғурта хизматларининг рақобат бозорини шакллантириш, суғурта фаолияти замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш борасида қатор қонуний ҳужжатлар қабул қилинмоқда. 2008 йилнинг 22 октябридан кучга кирган "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида" қонун қабул қилинди. Бу қонун ҳар томонлама мукаммал бўлиб халқаро талабларга мос равишда ишлаб чиқилганлиги билан эътиборлидир. Қонуннинг амалиётга жорий этилиши аввало, аҳолини суғурта маданиятининг омили сифатида хизмат қилса, иккинчи томондан у турли хил бахтсиз ҳодисаларда зарарларни кафолатли қоплаш тизимини вужудга келтиради. Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш келажакда уларнинг моддий турмуш даражаси яхшиланиши суғурта идораларига одамлар ишончининг янада мустаҳкамланишига олиб келади.

ИҚТИСОДИЁТ

БАНК ФАОЛИЯТИ

Қишлоқда пластик карточка

воситасида савдо қилишаяпти

Қаҳрамон ҚЎЧҚОРОВ,
ДТХБ Ўзбекистон тумани филиали бошқарувчиси, "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси

Мамлакатимизнинг барча соҳаларда тўғри йўлдан бораётганлиги жаҳон бозорида юз бераётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида яна бир бор ўз тасдиғини топди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг банк тизилмасини ривожлантириш борасидаги қарорлари катта аҳамият касб этмоқда. Банкимиз томонидан туманимизда банк ишини ривожлантириш, аҳолига сифатли касса хизмати кўрсатиш, миллий валютамиз қадрини ошириш, аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш, кичик ва хусусий бизнес субъектларини молиявий ресурсларга бўлган талабини қондириш борасида бирмунча тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари юзасидан аниқ режалар ишлаб чиқилган. Фуқароларнинг мурожаатларини ўрганиш мақсадида "ишонч телефонлари" ҳамда "ишонч қутилари" ташкил этилди. Аҳолини бўш маблағларини омонатга жалб қилиш борасида 649,2 милион сўм, йил бошига нисбатан 272,7 милион сўм ўсишга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини амалда бажариш борасида банк томонидан савдо тушумларини тўлиғича топширилиши устидан кунлик назорат ўрнатилган. Банк нақд пул тушумини камайтириб юборган мижозлар тўғрисидаги маълумотлар туман давлат солиқ инспекциясига чора кўриш учун тақдим этиб борилмоқда. Банкимизнинг мавжуд 13 та шаҳобчалари ва махсус кассалари орқали аҳолидан коммунал тўловлар қабул қилиш ташкил этилган бўлиб, ҳозирча 206,5 миллион сўм миқдорида коммунал тўловлари қабул қилинди. Банкимиз томонидан 876 нафар мижозга турли хизматлар кўрсатилмоқда. Шунингдек, хусусий тадбиркорлар, фирма ҳамда аҳолига турли қисқа муддатли кредитлар ажратилмоқда ва булар аҳолига қулайликлар туғдирмоқда. Жумладан, хусусий тадбиркорлар, фермер хўжаликлари, талабалар ва аҳолига турли муддатларда имтиёзли кредитлар ажратиляпти. Булар ўз навбатида икки томоннинг ҳам даромад кўришига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш, чакана савдони амалга ошириш, аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида 23 та бюджет ташкилотининг 1427 нафар ишчи ходимларига пластик карточкалар очилди ва уларнинг 280,4 миллион сўмлик ойлик маошлари пластик карточкаларига ўтказилди. Банкимиз шаҳобчаларида ҳисоб рақами очиб фаолият олиб бораётган савдо фирмаси ҳамда шаҳобчаларнинг 7 тасига ҳисоб-китоб савдо терминали ўрнатилди. Бундан ташқари кундалик озиқ-овқат, сабзавот ва гўшт маҳсулотлари билан пластик карточкалар орқали савдо қиладиган савдо шаҳобчалари сони кўпайиб бормоқда. Банкимиз томонидан халқаро пул ўтказмалари "WESTERN UNION", "CONTACT" ҳамда "UNISTREAM" тизимлари орқали мижозларга хизмат кўрсатилмоқда. Аҳолига хизмат кўрсатишда Исроил Узоқов, Мансур Саидхўжаев, Асрор Парпиев, Насибахон Мирзаахмедова, Саломатой Ҳаққулова, Маҳмуда Бойматова каби ходимларимиз сидқидилдан хизмат қилиб келмоқдалар. Биз бундан кейинги иш фаолиятимизни ҳам мижозларимизга намунали банк хизмати кўрсатиш тамойилларига асосланган ҳолда ташкил этамиз.

ТАДБИРКОРЛИК

Фермер хўжалиги

балиқчиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда

Рўзибой МАТКАРИМОВ

Бозорбой Каримовнинг "Хоразм балиқ маҳсулотлари" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида иш бошлаганига йигирма йил бўляпти. Балиқ етиштиришнинг барча сир-асрорларидан хабардор фермер ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлардан фойдаланиб, балиқчилик фермер хўжалигини ташкил этишга қарор қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Балиқчилик тармоғида монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2003 йил 13 августдаги 350-сонли Қарорини бажариш борасида Хоразм вилоятида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Балиқчилик билан шуғулланувчиларга қўллар ва бошқа ер майдонлари ажратилиб, улардан мақсадли фойдаланилиши назорат қилиб борилмоқда.

"Валико плюс" фермер хўжалиги ташкил этилганига икки йил бўлди. Бозорбой Каримов шу давр ичида ўзига ажратилган 54,8 гектар ерда ибратли ишларни амалга оширди. Унга ажратилган ерлар воҳанинг қумликларга туташган чегара ҳудудида жойлашган. Фермер ишини даставвал бу ерда ишлаш учун шароит яратишдан бошлади. Саккиз кишини ишга қабул қилди. 3 гектар ерда сунъий сув ҳавзаси ташкил этилди. 30 гектардан зиёд қумликларга саксовул уруғлари сепилди. 16 гектар майдондаги табиий кўлларга 50 минг донадан ортиқ чавоқ балиқлар ташланди. Ўзи узоқ йиллар меҳнат қилган жамоа аъзолари билан тузилган шартномага биноан балиқчиликни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқди.

Фермер оғир шароитга қарамасдан хўжалик ерларини сўлим масканга айлантириш ниятида. Ёзнинг жазирама иссиқ кунларида дам олувчилар учун қулайликлар яратиш ҳам режада бор. Ана шу ниятларини амалга ошириш мақсадида яқинда бу ерда 120 ўринга мўлжалланган чойхона ишга туширилди. Бу чойхонанинг довруғи тезда элга танилди.

Фермернинг тўрт нафар ўғли отаси билан ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқда. Оилавий жамоа аъзолари сазан, лаққа сингари балиқ турларини кўпайтиришни истайдилар. Шунингдек, бу ерлар чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун ҳам жуда қулай.

Воҳанинг жанубидаги Янгиариқ ва Хива туманларидаги табиий кўллар ёввойи қушларнинг қўниб ўтадиган масканлари ҳисобланади. Улар учун шароитлар яратиш билан бирга хонаки ўрдак, ғоз ва бошқа паррандачилик фермаларини ташкил этилиши хўжалик иқтисодини кўтаришга ҳамда юртдошларимизни парранда гўшти билан таъминлашга хизмат қилади.

Тиниб-тинчимас фермер етти хазинанинг бири балиқчиликни ривожлантириш орқали қишлоқларимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишни ният қилган.

АНЖУМАН

Реал секторни молиялаш

мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлайди

Камолиддин Ҳотамов
"Milliy tiklanish" мухбири

Сўнги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашда шубҳасиз, банклар томонидан реал секторга киритилаётган инвестицион қўйилмаларнинг роли муҳим аҳамият касб этмоқда.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Асака банк томонидан ҳамкорликда ташкил этилган "Банклар томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида ана шу ҳақда атрофлича фикр алмашилди.

Бугунги кунда барча тармоқларга банклар маблағларининг кириб бориши ишлаб чиқариш изчиллигини таъминламоқда. Мамлакатимиз банклари ўзларининг ривожланиш стратегиясини айнан реал сектордаги ўсиш билан чамбарчас боғламоқдалар. Улар корпоратив мижозларининг нафақат эришилган ютуқларини сақлаб қолиш, балки ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва рақобатбардош янги маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларини амалга ошириш учун қулай шароит яратиб бермоқдалар.

Жорий йилнинг 1 апрелига қадар иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган 7 трлн. 89 млрд. сўм кредитнинг асосий қисми зарур воситаларни харид қилиш ва модернизациялаш, янги технологияларни тадбиқ этиш, инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Эътиборли томони шундаки бу рақам ишлаб чиқариш динамикасини таъминлаш ва мамлакат иқтисодиёти тармоқларида кечаётган таркибий ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш, фуқаролар турмуш даражасини яхшилашда банкларнинг катта салоҳиятга эгалигини кўрсатмоқда.

- Банклар томонидан иқтисодиётнинг реал тармоқларини молиялаштириш ҳақида гапирар эканмиз, дунё бозорида юзага келган молиявий танглик ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсири, уни юмшатиш чоралари ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз. Юртбошимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан ҳозирги пайтда тижорат банклари корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулотларини экспортга чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатбардош бўлишини қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ҳар томонлама ёрдам бериш, аҳоли бандлигини ошириш, қишлоқ инфратузилмасини ўзгартиришга қаратилган лойиҳаларни фаол молиялаштирмоқда,- деди Республика Марказий банки раиси ўринбосари Шуҳрат Ҳайдаров. Масалан, шу йилнинг биринчи чораги давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича 356,1 млрд. сўмлик лойиҳалари молиялаштирилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 148,8 млрд. сўм ёки 71,8 фоизга кўпдир.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз банклари реал секторни молиялаш орқали ўзининг истиқболдаги тараққиётини белгилаб олмоқда ва республика иқтисодиётининг ҳар томонлама ўсиши учун қулай шароит яратмоқда.

АХБОРОТ

ЭИИЗга маъмурий бино қурилаяпти

П.ЖУМАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 27 январдаги Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш чоралари тўғрисида қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда Навоий тоғ-кон металлургия комбинатига қарашли Зарафшон қурилиш бошқармаси бош пудратчи этиб тайинланган.

ЭИИЗ нинг маъмурий биноси коммуникация ва бошқа қурилиш соҳаларини тиклаш учун Кармана туманидаги Маликработ посёлкасидан 500 гектар ер ажратилди. Ҳозир бу ҳудудда катта ҳажмдаги қурилиш ишлари олиб борилаяпти. Бу улкан қурилиш объектини тез ва соз бажарилиши учун Зарафшон қурилиш бошқармаси 1120 нафар малакали ишчилар, инжинер-техник ходимларни жалб этди. 127 дона ер текислаш, транспорт юк кўтариш техникаларини ажратди. Иш суръати вахта усулида икки сменада олиб бориляпти.

7 та спорт иншооти бунёд этилади

Навоий вилоятида жорий йилда 7 та соғломлаштириш спорт объектлари қуриб фойдаланишга топширилади. Бунинг учун республика Халқ таълими вазирлиги болалар спортини ривожлантириш жамғармасидан 202 млн. сўм маблағ ажратилади, яна 8 млн. сўм вилоят капитал қурилиш бўлими томонидан маблағ қўйилади.

— Етти объектдан олтитаси Қизилтепа, Нурота, Навбаҳор ва Конимех туманлари мактаблари ҳузуридаги спорт зали ҳисобланади, - дейди вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармаси директори Нуриддин Тошев. - Барча қурилиш-монтаж ишларини асосан Навоийдаги СМУ-10, "Хатирчи сервис", масъулияти чекланган жамият ва "Навоий Мунаввара", "Ғолиб Беқзод", "АРБА" ва "Иди бобо" хусусий қурилиш ташкилотлари ўз зиммасига олган.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Луи Фашон:

«Ўзбек халқи ўз мамлакатининг тараққиёти учун интилиши мени ҳайратга солди»

Глобал сув муаммолари масалалари билан шуғулланувчи нуфузли халқаро ташкилотлардан бири - Жаҳон Сув кенгашидир. Мазкур муассаса 1996 йил 14 июнда Франциянинг Марсель шаҳрида сув муаммолари бўйича таниқли мутахассислар гуруҳи ва бир қатор халқаро ташкилотлар ташаббуси билан жаҳон ҳамжамиятининг глобал сув муаммолари борасида ўсиб бораётган хавотирларига жавобан ташкил топди.

Яқинда Ўзбекистонда Жаҳон Сув кенгашининг Президенти жаноб Луи Фашон меҳмон бўлди. Мамлакатимизга ташрифи чоғида «Жаҳон»АА мухбири у билан суҳбатда бўлди. Қуйида ушбу суҳбат матни эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

- Жаноб Фашон, Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган бешинчи Жаҳон сув форумида БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти Президенти Жак Диоф сув танқислиги таҳдиди ва инсоннинг сувга бўлган ҳуқуқи тўғрисида сўзлаб ўтди. Одамларнинг сувга бўлган ҳуқуқи борасида фикрингиз қандай?

- Аввало, мен жаҳон сув танқислиги билан боғлиқ вазият тўғрисида бир неча сўз айтмоқчиман. Маълумки, ер аҳолиси ҳар 10 йилда тахминан 1 миллиардга кўпаймоқда. Шу билан бирга, таъкидламоқчиман, дунё аҳолисининг асосий қисми йирик мегаполис шаҳарларига, ҳамда океан соҳилларига туташ ҳудудларда тўпланиб, истиқомат қилмоқда. Бу жойларда саноат ва аҳолининг доимий ўсиши тобора экологик, жумладан, сув истеъмоли билан боғлиқ муаммоларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Жаҳоннинг айрим мамлакатларида аҳолини етарли миқдорда сув билан таъминлашга оид талай муаммоларга дуч бўлмоқдамиз. Бу эса вазият тўпланиб қолган масалаларга зудлик билан ечим топишни талаб қилади.

Бугун, менинг назаримда, биринчи навбатда, мавжуд бўлган икки муаммони эътиборга олиш лозим. Бу, бир томондан, ер юзида аҳолини кўпайиши, ва бунинг оқибатида сув истеъмолининг ўз ўзидан ортишига олиб келишидир, иккинчи томондан эса, биз ўз навбатида фарзандларимиз ва невараларимиз учун сувни асраб қолишни ўйлашимиз лозим, зеро, бу улар олдидаги бурчимиздир. Шу йўсинда, биз бир зайлда гўёки бир-бирига зид икки масалага ечим топишимиз даркор. Бир томондан, сув таъминотини ошириш, иккинчи томондан эса, келажак авлод учун уни асраб қолиш.

Ҳозир жаҳонда шундай вазият юзага келганки, бунда сув ресурсларига эга айрим давлат раҳбарлари ўзларининг уларга эгалик қилиш ҳуқуқини тобора мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Шу билан бирга, биз сувни тежаш муаммосини тубдан ҳал этиш ва шу йўл билан унинг танқислигининг олдини олиш ва ушбу неъматни келажак авлод учун асрашга интилишни унутмаслик лозим.

Шу муносабат билан, яқинда бўлиб ўтган Жаҳон сув форуми очилиши маросимида мен – сув сероблиги даври тугади – деб таъкидладим. Шу нуқтаи назардан, мен ҳамкасбим Жак Диофнинг, сув истеъмолини ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини қатъий тартибга солишни мустаҳкалашимиз даркор, деган фикрига қўшиламан.

Бугун сайерамизда сув муаммоси билан боғлиқ бўлган умумий бир ёндашув йўқ. Бироқ аминманки, давлат раҳбарлари сувдан оқилона фойдаланиш борасида ягона бир тўхтамга келганда ўзаро муросага келиш ва тўғри бир қарорни қабул қилиш мумкин бўлади. Бинобарин, дунёда бугунги кунда сувдан фойдаланиш масаласида юзага келган вазият шундай йўл тутишни тақозо этади.

- Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатларининг раҳбарлари томонидан 28 апрель куни Олмаота шаҳрида қабул қилинган Баёнотдан сўнг Марказий Осиё давлатларининг сув ресурсларидан фойдаланиши борасида ҳақида қандай фикрдасиз?

- Мен Олмаота форумидан илгари, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда сувдан фойдаланиш масаласи билан шуғулланадиган вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан учрашганман ва умуман олганда минтақадаги вазият ҳақида аниқ бир тасаввурга эгаман. Марказий Осиёда сув танқислиги қандайдир зиддиятларни келтириб чиқаради, деб ўйламайман. Сув тинчлик рамзи ва манбаидир, бинобарин, биз минтақада мавжуд барча масалалар борасида мулоқотларни ривожлантиришга хизмат қилишимиз лозим, деб ҳисоблайман.

Албатта, фикримча, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарларининг Баёноти минтақада мавжуд барча муаммоларни ҳал эта олмайди. Бироқ биз уни мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш сари қўйилган муҳим қадам деб қабул қиламиз. Мазкур Баёнот сув ва энергетика масалаларини ўзаро келишув асосида кўриб чиқиш зарурлигини яна бир бор исботлади. Мен ушбу ҳужжатга сувдан фойдаланиш борасида бирон бир давлат мутлақ устуворликка ҳақли эмас деган нуқтаи назардан ёндашаман ва шу боис мулоқотларни йўлга қўйиш ҳамда муроса йўлларини излаш лозим, деб биламан.

Агар Марказий Осиё мамлакатлари Жаҳон Сув кенгаши билан мавжуд сув муаммосини ҳал этишга зарур ечим топиш борасида ҳамкорликка қизиқиш билдирса, у ҳолда дунё ва ташкилотимиз тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, биз минтақа давлатлари манфаатларига мос тегишли экспертизани ўтказишга экспертларни жалб қилишимиз мумкин.

Юртингизга ташрифим чоғида Ўзбекистон томони билан июнь ойидаёқ минтақадаги долзарб масалаларни муҳокама қиладиган ва Марказий Осиёда сувдан фойдаланишдаги баҳс-мунозараларни ҳал этишда фойдаланиладиган аниқ тавсиялар ишлаб чиқувчи мақсадли ишчи гуруҳи ташкил этишга келишиб олдик. Шу билан бирга, биз минтақа мамлакатлари вакилларини дунёнинг 80 дан ортиқ давлатидан 350 дан зиёд ташкилотини бирлаштириб турган Жаҳон сув кенгашининг глобал тармоғига кенг жалб қилишга ҳаракат қиламиз.

- 15 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Жаҳон банки Президенти жаноб Роберт Зелликдан режалаштирилаётган гидроэнергетик иншоотлар қурилишининг мустақил экспертизаси ўтказиш зарурлиги баён этилган мактуби келиб тушди. Сизнинг бу борадаги фикрингиз қандай?

- Мен жаноб Роберт Зелликнинг мустақил халқаро экспертиза ўтказиш тўғрисидаги сўзларига тўла қўшиламан.

Бугунги кунда ҳар қандай йирик лойиҳалар нафақат техникавий жиҳатдан, балки комплекс тарзда ўрганиб чиқилиши лозим. Яъни, бунда ижтимоий, иқтисодий оқибатларни, хусусан, Қирғизистондаги Қамбарота ва Тожикистондаги Роғун ГЭСлари сингари иншоотларнинг қурилиши Марказий Осиё ҳудудида яшаётган халқларнинг келгуси турмуш-тарзи ва фаравонлигига таъсири эътиборга олинмоғи даркор.

Шундан келиб чиққан ҳолда, биз Роберт Зелликнинг мамлакатингиз раҳбари номига битилган мактубида таъкидланган мустақил халқаро экспертизани ўтказиш учун келгусида Жаҳон сув кенгаши экспертларини тавсия этишга тайёр эканлигимизни яна бир бор қайд этмоқчиман.

- Хурматли жаноб Луи Фашон, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси фаолиятини янада самаралироқ йўлга қўйиш учун қандай тилаклар билдирасиз?

- Эҳтимол, мен бошқа нуқтаи-назарни илгари сураётгандирман, лекин шундай бўлса-да, Орол денгизининг қуришидан келиб чиқадиган муаммоларга алоҳида тўхталмоқчиман. Бугун Оролбўйи минтақасида нафақат экологик, балки глобал аҳамиятга эга ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб бир мажмуи юзага келган.

Шу муносабат билан, таъкидлаш жоизки, барча давлатлар Орол денгизини сув билан таъминлашнинг янги йўлларини топиш мақсадида ўз сайъ-ҳаракатларини мувофиқлаштирсагина, бу муаммолар ечимини топиш тезлашади. Бунинг учун гидрозаҳираларга бўлган муносабатни ўзгартириш, яъни улардан имкон қадар оқилона фойдаланиш, қандай мақсадларда ишлатилишини эътиборга олган ҳолда келажак учун муайян миқдорда сувни тежаш лозим. Минтақа мамлакатлари сув мутаносиблигини асраб қолиши ва дарёлар оқимининг бугунги кундаги тартибини кафолатлашлари даркор.

Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармасининг ҳар бир аъзоси экологик фожеа ҳудудида содир бўлаётган вазиятга нисбатан масъулиятни ҳис этмоғи лозим. Шу боис, минтақа мамлакатлари, ташқи аралашувларсиз, вазифаларни ўзаро тақсимлаб, ушбу муаммо ечимини топишга ҳисса қўшишлари ва шу йўл билан минтақадаги давлатлар манфаатларини мувозанатга келтиришлари лозим.

Бироқ таъкидлаш даркор, бу муаммо бундан бир неча ўн йил олдин юзага келган. Демакки, унга ечим топиш учун вақт зарур бўлади. Бу жараёнда Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув хўжалиги комиссияси катта аҳамият касб этиши мумкин. Агар биз унинг ишини фаоллаштириш ва такомилаштириш борасида бирон бир кўмак бера олсак, бундан фақат мамнун бўлар эдик.

- Ўзбекистонга ташрифингиздан ва кўздан кечирган объектларингиздан олган таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз. Мамлакатимизда ер ва сувдан фойдаланишни ташкил этиш даражаси тўғрисидаги фикрингиз қандай?

- Сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга йўналтирилган йирик лойиҳаларни ҳаётга тадбиқ этиш масаласига Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг шахсан эътибор қаратаётгани мени жуда қувонтирди.

Умуман олганда мамлакатингизда, хусусан, Фарғона водийсида бўлган вақтимда, авваламбор, бу гўзал мамлакатда яшаётган инсонлар менда жуда катта таассурот қолдирди. Мен уларнинг барчаси Ўзбекистонни янада тараққий эттириш учун шижоат билан олға қадам ташлашга интилаётганини англадим.

Очиғини айтганда, сув хўжалик объектларига борганимда замонавий автоматлаштирилган қурилмаларни, яхши йўлга қўйилган технологик жараён, ва албатта, бутун ишлаб чиқаришни моҳирлик билан бошқараётган мутахассисларнинг юксак малакасини кўриб жуда ҳайратга тушдим. Хусусан, Учқўрғон гидроузелида ташкил этилган иш жараёни мени жуда тўлқинлантирди. Бу ерда иш нафақт яшаш, балки тараққий этиш йўлида биз бутун дунёда йўлга қўйиш ва ривожлантиришни режалаштираётган даража ва йўналишда ташкил этилган.

Ўзбекистондаги гидротехника иншоотларини модернизация қилиш тўғрисида бир оз тўхталмоқчиман. Ушбу объектларнинг ҳолати аъло даражада. Улар Швейцария, Франция, Германия ва Европа Иттифоқидаги бошқа мамлакатларда фойдаланилаётган ана шундай иншоотлардан асло қолишмайди.

Кўрсатилган меҳмондўстлик учун ўзбекистонликларга ўз миннатдорлигимни билдираман. Ўзбек халқининг очиқ кўнгиллиги ва меҳмондўстлигини бу саховатли заминга қўйган ҳар бир қадамим давомида ҳис этиб турдим.

«Жаҳон» АА

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Литвада янги президент

Бюджет ва молиявий режалаштириш бўйича Еврокомиссари Даля Грибаускайте Литвада ўтказилган президентлик сайловларида ғалаба қозонган. Бу ҳақда "Evronews" хабар тарқатган.

Дастлабки маълумотларга кўра, мамлакатнинг собиқ молия вазирига сайловчиларнинг қарийб 69 фоизи овоз берган. Сайловга келувчилар 51 фоизни ташкил этган. Даля Грибаускайтенинг сайловдаги асосий рақиби социал-демократ Альгирдас Буткявичюс катта фарқ билан ортда қолган. Сўнгги маълумотларга кўра, А. Буткявичюс қарийб 12 фоиз тўплаган. Литва президенти вазирларни тайинлаш ва истеъфога чиқариш ваколатига эга, қолаверса, бюджет масалалари бўйича вето киритиш ҳуқуқига эга. Президентликнинг ваколат муддати 5 йил.

Хорватияда сайловлар

Хорватияда маҳаллий бошқарув органлари учун сайловлар бўлиб ўтди.

4 миллионлик хорват электорати 545 та муниципалитет ва 21 та округларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари раҳбарларини сайлашади. Сайловларда овоз беришда қатнашган Хорватия бош вазири Иво Санадер ўз тарафдорларини маҳаллий ва ўзини-ўзи бошқариш органларидаги сайловларда фаол иштирок этишга чақирган. Сўнгги маълумотларга кўра, мухолифатдаги социал-демократларга сайловчиларнинг 28,9 фоизи, Хорватия демократлар иттифоқини сайловчиларнинг 25,3 фоизи қўллаб-қувватламоқда. Сайловнинг дастлабки натижалари чоршанба куни кечқурун маълум бўлади.

Зиддиятлар барҳам топмоқда

Шри-Ланкада 25 йилдан буён давом этган урушлар ниҳоясига етмоқда.

Шунга қарамай, мазкур ҳудудда вазият мураккаблигича қолаётир. Хабарларга кўра, аҳоли хавфли туманларни тарк этгач, айирмачилар ҳукумат ҳарбийларига қуролларини топширишган. Кузатувчиларнинг фикрича, қарийб чорак аср давом этган нотинчликни тез фурсатларда бартараф этиш мушкул. Шунинг учун ҳукумат тинчликни мустаҳкамлаш сари жиддий қадамлар ташлаши керак. Маҳаллий телевидение Ланкий армияси операцияси муваффақиятли якунланганини маълум қилган. Ўтган куни "Тамил Иламани озод қилувчи йўлбарслар" гуруҳининг 70 нафар аъзоси йўқ қилинган. Минтақада жангарилар ва ҳукумат ҳарбийлари ўртасида тўқнашувлар вақти-вақти билан кузатилмоқда. Эслатиб ўтамиз, Шри-Ланкада 1976 йилдан буён давом этаётган урушлар оқибатида қарийб 70 минг фуқаролар ҳалок бўлган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Инсоният тарихидаги буюк кашфиётлар

Бугун илм-фандаги узлуксиз янгилик ва илмий кашфиётларга шунчалар ўрганиб қолдикки, ҳатто энг ақл бовар қилмас илмий мўъжизаларга ҳам оддий назар билан қарай бошладик. Ваҳоланки, ана шу оддий туюлган кашфиётлар инсоният тарихида муҳим роль ўйнаб, бугунги юксак тараққиётга пойдевор бўлган. Келинг, ўтмишга яна бир бор назар солиб, инсоният тарихидаги муҳим кашфиётларнинг аҳамиятини кўздан кечирайлик.

Илк цивилизация даврида одамлар қўл остидаги нарсалар ёрдамида, аввало имо-ишора, барг шохларини тахлаш, олов ёқиш йўли билан ўзаро мулоқот қилишган. Лекин, инсониятнинг ривожланишида туб бурилиш қилган юксак кашфиётдан бири бу алифбонинг яратилиши бўлган. Эрамиздан 4 минг йил аввал кашф қилинган ёзув ёрдамида одамлар ўзаро мактуб ёзиб, қўлёзмалар битиб маълумот алмашишга муваффақ бўлишган. Мана шу юксак кашфиёт кейинги ихтироларга замин яратиб, цивилизациянинг ривожланишига кескин таъсир кўрсатган.

Ҳозиргача ихтиро қилинган кашфиётлар орасида энг ноёб ва энг буюк ихтиро китоб саналади. Айнан китоб инсоният тарихидаги буюк ва бетакрор мўъжизадир. Алломалар алоҳида эҳтиром билан таъкидлаганларидек, китоб мўъжиза бўлгандан ҳам биринчи мўъжизадир. XV асрга қадар китоблар қўлёзма ҳолда бўлган ва кўпайтирилган. Немис ихтирочиси Иоганн Гутенберг (1400-1468) 1440-52 йиллар оралиғида китоб чоп этишни ихтиро қилади. Орадан беш ярим асрдан ортиқ вақт ўтган бўлишига қарамасдан ҳозиргача бу ихтиро инсоният тарихидаги энг буюк кашфиёт сифатида эътироф этиб келинмоқда.

Янгиликларни, маълумотларни тарқатиш ва масофани яқинлаштиришда газетанинг ўрни ҳам беқиёсдир. Тарихдан билишимизча, газета қадимги римликлар давридаёқ ихтиро қилинган. У "Халқнинг кундалик ҳаёти"("Acta populi diurna") деб номланиб, ёғочга ўйиб ёзилган доскачалар кўринишида бўлган. Юлий Цезар даврида эса сенат мажлиси ҳисоботини халққа етказиш мақсадида "хабарномалар" тарқатилиши одат тусига киради. XVI асрга келиб газета замонавий кўринишга эга бўлади ва "газета" сўзи ҳам ана шу даврда қўлланила бошланади. Айтишларича, янгиликлар ёзилган бир варақ қўлёзма италияликларнинг "gazetta" деб аталган тангаси қийматида баҳоланган ва бу ибора шу тариқа бугунги газетага нисбатан юритила бошланган. Венецияда илк бор маълумотлар йиғувчи ахборот агентлиги ташкил этилиб, бу ерда ишлаётган ходимларни "янгилик ёзувчилари" деб аташган ва шу тариқа журналистлик касби пайдо бўлишига туртки берган. Қирол Карл III эса биринчи бўлиб газетада(реклама) эълон берган киши ҳисобланади.

XIX асрнинг ўрталарига қадар одамлар ўзга юртдаги янгилик ва воқеаларни бир ҳафта, ҳатто бир ойдан сўнг билишган. Узоқ масофага ахборотларни етказишда асосан почта алоқаси орқали фойдаланилган. Шунинг учун телеграфнинг ихтиро қилиниши ўша даврнинг энг муҳим ва энг зарурий кашфиёти бўлган. 1832 йили Морзе Америкага қилган саёҳати чоғида телеграф моделини ва алифбосини яратади.

XIX асрнинг охирларида инсоният янада масофани яқинлаштира оладиган кашфиётни яратишга интилади ва телефон алоқасини ихтиро қилади. Биринчи телефон 1876 йилнинг март ойида ихтирочи Белла томонидан кашф қилиниб, у ўзи ихтиро қилган телефон орқали ёрдамчисига қўнғироқ қилиб: "Жаноб Ватсон, илтимос менинг ёнимга келинг, сиз билан суҳбатлашмоқчиман" деган. Айни ана шу гапни телефон орқали берилган биринчи топшириқ дейиш мумкин. Бу кашфиёт ўша даврда мўъжизанинг ўзгинаси бўлиб, ниҳоятда кўпчиликнинг жонига оро киргани аниқ. Талабгорлар кўплиги боис август ойининг ўзидаёқ ана шундай телефоннинг 800 таси савдога чиқарилган.

Фотосурат ҳамда кинемотографиянинг ихтиро қилиниши тасвирни узатиш борасидаги бир қанча кашфиётларга сабаб бўлган. 1826 йили Жозеф Ньепс ўзи ихтиро қилган фотокамера ёрдамида металл пластинкага устахона деразаси ортидаги манзаранинг тасвирини тушира олган. 1837 йили Луи-Жак Манде Дагер илк бор фотокамерасида туширган юқори сифатли тасвирни оммага ҳавола этган. 1891 йили ихтирочи Том Эдисон кинетоскоп — фото тасвирни ҳаракатга келтира оладиган қурилмани ихтиро қилган. Бу кашфиёт ака-ука Люмьерларнинг кинофильм яратишига туртки бўлган. 1895 йили декабрь ойида Парижда Капуцин ҳиёбонида биринчи киносеанс бўлиб ўтади. Томошабинлар инсон қўли билан яратилган мўъжизани — оппоқ экранда бир тасвир ўрнини иккинчи тасвир эгаллашини кўришга муваффақ бўлишган. Албатта, бу кинофильм омма эътиборидан четда қолмади, аксинча кашфиётчиларнинг янада изланиш ва янгиланиш ишлари ва тиёқини кучайтирди.

Кашфиётчилар сим орқали ахборот узатиш бўйича ҳам тўхтаб қолмай одамларни бир-бирига янада яқинлаштириш йўлини ахтаришган. А.Попов 1895 йили узоқ йиллик меҳнати маҳсули бўлмиш симсиз телеграф қурилмасини намойиш қилади. 1899 йили италиялик ихтирочи Маркони Ла-Манш бўғози орқали илк сигнал юборади. 1904 йили англиялик олим Ж.Э.Флеминг радиотелеграф приёмникини ихтиро қилади.

XX асрдаги энг буюк кашфиётлардан бири телевидение ҳисобланади. Бошқа техник ихтиролар каби телевидение ҳам бир қанча кашфиётлар жамланмасидан вужудга келган. Петербург Технология университети профессори Б.Розинг 1911 йили дунёда илк бор электроннур трубка орқали шиша экранда тасвир намойиш этади. 1928 йили ихтирочи Борис Грабовский ҳаракатланаётган тасвирни масофадан узатиш йўлини ўйлаб топади. 1929 йили АҚШда Владимир Зворикин юқори ваакумли электрон-нур трубкани ихтиро қилади ва кейинчалик ҳамма телевизорларда бу қурилмадан фойдаланилади.

ЭҲМ XX асрдаги техник кашфиётлар борасидаги улкан ютуқлардан бири бўлди, десак адашмаймиз. У ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш ҳамда ҳоҳлаган масофага узатиш бўйича жуда қулайлик яратди. Яна шуни айтиб ўтиш керакки, компьютерни кашф қилиниши улкан кашфиётларга йўл очиб берди.

"Моторола" компаниясининг бош инженери Мартин Купер симсиз алоқа узатиш йўлини ахтаради ва ниҳоят 1973 йилнинг апрель ойида мобиль телефонини ихтиро қилади. Бу билан Мартин масофадан туриб бир зумда мулоқотга киришни йўлга қўяди ва инсоният учун янада қулайлик яратиб одамзод орзусини рўёбга чиқаради. Аммо, мобиль телефон нимагадир ўн йилдан сўнг, 1983 йилдан бошлаб ишлаб чиқарила бошланган. Ҳозирги кунда бутун дунёда 3,3 млрд. мобиль телефон абонентлари бор. Демак, сайёрамиз аҳолисининг ярми шундай телефондан фойдаланади десак ҳам тўғри бўлади.

Интернет кашфиётлар ичида ўнинчи ўринда турган бўлса-да, у ихтиролар ичида энг муҳими ҳисобланади. Бугунги кунда машҳур бўлган "Халқаро ўргимчак тўри" номли фантастик лойиҳани Бернес -Ли 1989 йили таклиф этган эди. Шу тариқа интернет бутун оламни бир қишлоқ миқёсида яқинлаштира олди. Аниқроқ айтганда, масофани овоз тезлиги даражасига етказди.

Дарҳақиқат, инсоният илк цивилизация давриданоқ кашфиётларга интилиб келган ва бундан кейин ҳам интилиб яшайди.

МАДАНИЯТ

КАДРИЯТЛАРИМИЗ

Ўзбек нони уни дунё танийди

Чиқаётган қуёшнинг заррин нурларини бу ерда Нурота тизма тоғларининг энг юксак чўққиси Ойқор қаршилаб олади. Офтобга чўмилган қорлар ялтираб кўзларни қамаштиради. Бу қорлар баҳорда эриб, дарёга қўшилади. Дарёлар эса оби-ҳаётни олиб, ризқ-рўзимиз бўлган экинлар илдизига малҳам бўлади... Бу жараён то келгуси йил қор ёққунича давом этади. Авжи саратонда унинг энг юксак чўққисидаги қор узоқдан ҳилолга ўхшаб кўринади

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бунга нисбат бериб, кишилар ойга ўхшаган қор-ойқор дейдилар. Нуроний отахонлар дуога қўл очиб: "Илоҳим Ойқордан қор, дастурхонимиздан нон кетмасин", -дейдилар... Шу ҳудудлардаги хонадонларга кирсангиз димоғингизга энг табаррук ис - нон ҳиди урилади. Меҳмонни энг аввал нон билан сийлайдилар. Ноннинг асоси бўлган буғдойнинг аждоди буғдойиқни эрта баҳордан кўзга суриш бу ерда одат тусига кирган. Ҳа, тоғликлар нонни ана шундай эъзозлайдилар. Туғилган гўдакнинг бошига нон қўядилар. Яхши ният билан йўлга чиққан йўловчи белига иккита нон тугиб олади. Бу ҳурмат, бу эътибор улар тайёрлаётган ноннинг таъмига, тўйимлилигига, белга қувват, дилга дармон бўлишига асос бўлган. "Агар Бахмалга борсангиз менга совға сифатида нон олиб келинг", деган нон тафтидай иссиқ сўзлар қулоқларга кўп чалинган. Шунинг учун ҳам бу ерларда новвойларнинг ишига, тайёрлаган нонига қараб баҳо берадилар. Уларнинг санъати, уддабуронлигини кўрган қўшни ҳудудлардаги тадбиркорлар ҳам Бахмалга келиб нон тайёрламоқдалар. Бахмалда нон тайёрлашнинг ўзига хос сир-асрори бор. Унни элаш, хамир қориш, ошириш, нон ёпиш, пишириш жараёнларини кузатиб, сифатли ва хуштаъм нон тайёрлаш осон иш эмаслигига амин бўласиз.

Сифатли ўзбек нони билан ном қозонган аждодларнинг санъатини бугун ёшлар давом эттирмоқдалар. Бу нонлар инсон саломатлиги учун зарур бўлган йодга тўйинтирилган ундан тайёрланаётгани учун ҳам хуштаъм ва талабгир ҳисобланади.

Маҳсулотларимизнинг сифатли бўлишида деҳқонларимиз етиштираётган сара буғдой катта роль ўйнайди,- дейди нон тайёрлаш корхонаси раҳбари Шуҳрат Усмонов. — Чунки буғдойдаги оқсил ва клейковина моддалари нонга ўтиб, уни ҳам мазали қилади, ҳам қотиб қолмайди. Олимларимиз янги нав яратишда ана шунга ҳам эътибор берсалар яхши бўларди. Ширин нон тайёрлаш учун сифатли маҳсулот ҳам зарурда.

Йўл четида ўсиб ётган буғдойиқни тавоб қилиш бизга аждодларимиздан мерос эмасми? Ўсиб ётган буғдойни босиш, унинг ўртасидан йўл солиш кечириб бўлмас гуноҳ эканлиги муқаддас китобларда ёзилган. Аксинча ғаллани эъзозлаганлар халқ ҳурматига сазовор бўлганлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

... Мени суғориладиган ерларда ғалла ва дукакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтининг Ғаллаорол филиали раҳбари Ҳабибулла Одилов музейга олиб чиқди. 96 йиллик тарихга эга бўлган илмий даргоҳ музейида мутахассислар томонидан яратилган 200 дан ошиқ дон, дуккакли полиз, мойли экинларнинг экспонатлари сақланмоқда. Ғалла ва бошқа экинларни акс эттирувчи экспонатлар ҳозиргина даладан олиб келинган-дай, белларини зарар бермайдиган иплар билан боғлаб кўргазмага қўйишибди. Бу ерда бир пайтлар довруғи жаҳонга кетган навлар сақланади. Қайроқи буғдойлар- Ватан, Қизил Шарқ, Сурхак, Унумли арпа ва бошқа ўнлаб навлар дастурхонимиз кўрки бўлган. Илмий даргоҳ ҳамкорлик қилган ҳорижий давлатларнинг номлари, карталари акс этган экспонатлар, 50 дан ошиқ ғалла ва бошқа экинлар етиштираётган давлатларнинг ҳамкорлиги! Улар орасида ғалланинг ватани бўлган давлатлар бор. Мексика, Ҳиндистон, Сурия, Япония каби давлатлардан ташриф буюрган олимлар, мутахассислар... Дарвоқе, мен ҳам уларнинг анжуманларидан бирида иштирок этган эдим. Мексикалик жаҳонда донни кўпайтириш бўйича йирик мутахассис, фахрий фан доктори билан таржимон орқали суҳбатлашганман.

— Бизнинг мамлакат ғалланинг Ватани бўлса ҳам, буғдойни эъзозлашда, нонни сифатли тайёрлашда сиз ўзбеклардан орқадамиз. Биз учун энг яхши совға Самарқанднинг бетимсол нонлари!

Хорижий меҳмоннинг оғзидан шу сўзларни эшитиш бизлар учун қанчалик аҳамиятли эканлиги исбот талаб қилмайди. Самарқанд нонлари! Бу номни эшитиш билан тамшаниб қўймайдиган киши бормикан!

Бугун Самарқанднинг нони энг табаррук совға. Ишонмасангиз Самарқанддан чиққан машиналарни кузатинг, катта тўйларнинг дастурхонига меҳмон бўлинг! Бу ердаги новвойлар нонни юзига ёзадилар. Ота юртнинг расмини соладилар. Самарқанднинг Сиёб бозорига борганимда бозор раҳбарлари менга шундай расмни кўрсатдилар. Тасвирда таниқли давлат арбобларидан бири бозорда новвойга таъзим қилаётгани акс этган. У тайёрланган нон қаршисида "ҳайрат нигоҳини тикиб" турибди. Совға сифатида олаяпти... Бу ҳолатни кузатсангиз она Ватанимизга, юртимизга меҳрингиз ўн чандон ошмайдими?!

Биз ҳозир Самарқанд новвойларини улуғлаяпмиз. Замон тарихига "Тошкент нон шаҳри" деган ёзувни ёзганлар ҳам шу новвойларимиз эмасми?! Ҳа, бу номни ўзининг 2200 йиллик тарихини нишонлаётган Тошкентимиз ўтган асрдаги энг мудҳиш уруш даврида олган эдику. Оч-наҳор, лаблари гезарган, оёғи пиликдай, ота-онасиз қолган етимларнинг оғзига ўзбекнинг меҳридай иссиқ нон тутган шаҳар шу Тошкент эмасми?!

Бу ном то абадул-абад Тошкентимизни улуғлаб юради. Ғафур Ғулом бу шаҳарни Лондон, Париж, Румога алишмайди. Бугун унинг нон дўконларига кирсангиз, нон тайёрлаётган корхоналардаги ишчилар билан суҳбатлашсангиз масаланинг моҳиятини янада чуқурроқ англайсиз.

Жиззах шаҳридаги "Қалия" маҳалласига борсангиз димоғингизга урилган нон ҳидидан энтикиб қоласиз. Бу ерда бутун бир маҳалла нон ёпиш билан шуғулланади. Ҳар бир кўча, гузар, чойхона олдида ўз нонини кўз-кўз қилиб турган новвойларни кўрасиз. Улар нафақат нон сотишади, буюртма асосида тўйларингизга, тантаналарингизга нон ёпиб берадилар. Нима кўп ноннинг тури кўп. Оби нон, гижда нон, патир нон, қуйруқ нон, седанали нон... Шунинг учун узоқ-узоқлардан келиб уларга буюртмалар беришади. Новвойлар эса масъулиятни тўғри тушунадилар. Бу нозу неъмат юртимизнинг янада обод ва фаровон бўлиб бораётгани, шаҳар ва қишлоқларимизнинг файзи ошаётганини акс эттириб тургандай.

ДУРДОНА

"Бекорга гап сотма..."

Эрамиздан олдинги VI асрда яшаган улуғ юнон файласуфи ва математиги Пифагор истеъдодли ёшларни ўқитиш учун махсус мактаб ташкил қилган эди. Бу мактабга билимга чанқоқ ёшлар махсус имтиҳон билан қабул қилинарди, уларга қатор талаблар қўйилар, шулардан энг биринчиси, ўқувчининг доимий равишда сукут сақлаши ҳисобланарди. Бекорга гап сотишдан тийилишдан иборат бўлган бу мажбурият таълим ва билим олишда бошқаларнинг фикрларини тушуниш асосий шарт эканлигини кўрсатарди. Инсон сукут сақлаш билан фикрий қашшоқлашиб қолмайди, аксинча у бу йўл билан бошқаларни тушунишни ўрганади, эшитганларини ички равишда мустақил мушоҳада қилади ва уни хаёлига келган фикрларни гапираверишдан иборат бўлган қусурдан сақлайди. Бу фикрларни эса XIX асрда Олмонияда яшаган буюк файласуф Гегель айтган.

Ҳа, бекорга гап сотма!

Донолар нима деган?

Қадимги юнон афсонашуноси Гигин ўзининг "Афсоналар" асарида ўша даврнинг машҳур донолари айтган қуйидаги ҳикматли сўзларни келтириб ўтади:

— Энг муҳими — меъёрдир,- дейди линлиялик Клеобул.

— Ҳар бир нарсанинг ғамини е,- деб ўргатади эфирлик Периандр.

— Ҳар бир нарсанинг вақтини бил,- деб насиҳат қилади миттиленлик Питтак.

— Доноликни нодондан ўрган,- деб мулоҳаза юритади принейлик Биант.

— Аввало ўзингни англа,- деб буюради Хилон.

— Ҳеч нарсада ҳаддингдан ошма,- деб уқтиради кекропийцалик Солон.

М.ХУДОЙҚУЛОВ
тайёрлади

ЎГИТ

Бир овоз дейди: қараб, ҳозирни кўр,
Бир овоз дейди: боқиб, охирни кўр.

* * *

Яхшилаб боқ, кўзни четга бурма сен,
Қўлни кўр, ёлғиз камонни кўрма сен.

БИЛАСИЗМИ?

Япониялик Денбей исмли савдогарнинг кемаси 1695 йили Камчатка қирғоғида талофатга учрагани боис у илк бор Россияга қадам қўйган японияник ҳисобланади. 1701 йили Петр I Денбейга Москвада ўсмирларга япон тилидан дарс беришини тайинлаган.

* * *

Кинематографлар тарихи мобайнида энг арзон кинофильм 1903 йилда ("Поезднинг ўғирланиши" фильми) тасвирга туширилган бўлиб, унга 100 АҚШ доллари сарфланган. Айтишларича, фильм намойиши 20 000 АҚШ доллари миқдорида фойда келтирган.

ТУРФА ОЛАМ

Энг ёрқин шаҳар

Олимлар сайёрамизнинг коинотдан олинган тасвири ёрдамида тундаги энг ёрқин шаҳар Лас-Вегас эканлигини аниқлашди.

Лас-Вегасдан сўнг, Нью-Йорк, Париж, Токио ҳамда Мехико ўрин олган. Космонавтларнинг айтишича, шаҳарларда ёритилган транспорт йўли коинотдан худди одамнинг қон томири каби аниқ-тиниқ кўринаркан. Яқинда италиялик астроном Пьерантони Чинзано ва Фабио Фальк тунги осмоннинг ёруғлик харитасини яратишди. Бу харита ёрдамида Европа, АҚШ, Японияннинг осмонида улкан ёруғ доғ борлиги аниқланган. Маълум бўлишича, электр чироқлар осмонга оловранг тус бераркан ва шу боис Европанинг 98 фоиз аҳолиси қоронғу тунда ҳам энг ёрқин юлдузни кўра олмас экан. Экологларнинг айтишича, ҳаддан ташқари ёруғлик янги экологик муаммони келтириб чиқариши ҳам мумкин. Негаки, ёрқин лампа чироқлари атрофидаги дарахтлар нимжон бўлиб, кам яшаб, кам кислород ишлаб чиқараркан.

Сунъий марварид

Марварид аслида пушти рангда бўлади, бироқ молюсканинг ҳолати ва кимёвий таркибига қараб сариқ, олтин, яшил ва ҳатто қора тусга ҳам киради.



Энг сифатли марварид Ҳиндистоннинг қирғоғи, Форс кўрфази ва Бенгаль бўғозидан олинади. Энг йирик марварид эса 1934 йили Филиппин ороллaридан топилган. Унинг оғирлиги тахминан 6,4 кг., узунлиги 24 см. бўлган; аммо заргарлар бу марваридни қимматбаҳо, деб тан олишмаган. Негаки, унинг устки қаватида ялтироқ қатлами бўлмаган. 1907 йилда японияник тадбиркор Микимото сунъий марварид ишлаб чиқаришга патент олади ва ялтироқ қатлами табиийсидан фарқ қилмайдиган даражадаги марваридни етиштиради. Ҳозирги кунда Японияда ҳар йили 90 тонна сунъий марварид ишлаб чиқариларкан. Мутахассисларнинг фикрича, сунъий марваридни табиийсидан фақатгина рентген нури орқали аниқлаш мумкин экан.

Бадбўй гул

Индонезиянинг намтропик ўрмонларида ажойиб ўсимлик — рафлезия ўсаркан.

Айтишларича, рафлезия дунёдаги энг улкан гул бўлиб, унинг ёқимсиз ҳидидан ҳеч ким ёнига боролмас экан. Рафлезиянинг гули ҳашоратларни ўзига маҳлиё қилиб, улар билан озиқланаркан ва шунинг ҳисобига ўсаркан. Унинг 12 хил тури бўлиб, шундан энг каттаси Суматра оролидаги Рафлезия Арнолди номи билан машҳур бўлган. Бу ўсимликнинг гул барги бир метр, оғирлиги 6 кг. экан.

Улкан кема

ёки муҳаббат тимсоли бўлган ёдгорлик

93 ёшли магнат Арнольд Мэрск Маккини Мёллер дунёдаги энг улкан кемани қурдирди.

Магнат ушбу суперкемани муҳаббат рамзи сифатида 65 йил бирга ширин ҳаёт кечирган ва 2005 йилда вафот этган рафиқаси Эмманинг хотирасига бағишлашини билдирган. "A.P. Moller-Maersk Group" деб номланган ушбу кеманинг узунлиги 397 метр, эни 56 метр бўлиб, унга ҳар бири 14 тоннадан келадиган 11 мингта контейнерни бемалол ортиш мумкин экан.

Наргиза ХУДАЙБЕРГАНОВА
тайёрлади

"GNK OSIYO — AUDIT" аудиторлик компанияси тугатилиши муносабати билан барча даъвогар икки ой муддат ичида Тошкент шаҳар Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уйда қабул қилинади. Телефон: 236-11-60.

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2009 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

ҚР Нукус (3612) 22-88-68
Андижон (3742) 22-29-89
Бухоро (3652) 25-47-49
Жиззах (3722) 22-40-01
Қашқадарё (3752) 25-40-27
Навоий (4362) 23-26-86
Наманган (3692) 26-29-80
Самарқанд (3662) 34-22-53
Сирдарё (3672) 25-47-70
Сурхондарё (3762) 27-49-03
Тошкент вил. (3712) 233-13-04
Фарғона (3732) 24-29-22
Хоразм (3622) 26-63-75
Компания бўлими 234-85-99

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-423, Адади — 4564

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Камолиддин ҲОТАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00.